БУЮК ҒАЛАБА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 89 (3061). | Якшанба, 9 МАЙ 1965 йил. | Баҳоси 3 тийин.

БУГУН ГИТЛЕРЧИЛАР ГЕРМАНИЯСИ УСТИДАН ҒАЛАБА ҚОЗОНИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ.

ЗАФАРЛАР ЙИЛНОМАСИ

Бугун — улуғ айём, Ғалаба куни. Гитлерчилар Германияси бошлаган ва инсоният бошига катта кулфатлар, оғир мусибатлар солган иккинчи жаҳон уруши Совет Иттифоқининг ҳамда унинг Қуролли Кучларининг порлоқ ғалабаси билан якунланганига бугун 20 йил тўлди.

Улуғ Ватан урушида халқимиз ҳамда Қуролли Кучларимиз кўрсатган ажойиб қаҳрамонлик ва мардликни, уларнинг ер юзидаги кишиларни фашизм асоратидан сақлаб қолишдаги буюк жасоратини инсоният абадий унутмайди.

Ғалаба кунининг 20 йиллиги жуда катта байрам сифатида нишонланмоқда. Бу шодиёна айём совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат активлиги авж олган, коммунистик қурилишда янгидан-янги зафарлар қўлга киритилаётган бир вазиятда ўтмоқда. Фашизм устидан қозонилган буюк Ғалаба кунини барча совет кишилари билан бир қаторда социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ва бутун тараққийпарвар инсоният ҳам зўр шод-хуррамлик билан байрам қилмоқдалар.

Бу ғалаба осонликча қўлга киритилмади, албатта. Бунинг учун миллион-миллион кишилар қон тўкиб, ўз жонларини фидо қилиб, ер юзида ҳуррият машъалини сақлаб қолиш учун сабот-матонат билан курашдилар, ҳаёт ва нур йўлини қора зулматдан мусаффо этдилар.

Жаҳонга ҳукмронлик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган герман фашизмига қарши бутун совет халқи ва шавкатли Қуролли Кучларимиз олиб борган адолатли уруш бизнинг социал системамиз учун жуда катта синов бўлди. Бу — инсоният тарихидаги энг даҳшатли, миқёси жиҳатидан энг катта, кишилик жамияти тараққиётининг йўналишини ҳал этадиган ҳаёт-мамот кураши бўлди.

Аммо, севикли Ватанимизга қўққисдан, ҳиёнаткорона ҳужум қилган манфур душман совет кишиларининг метин продасини асло бука олмади. Фашист газандалари устидан қозонган тарихий ғалабамиз бутун социал тараққиёт кучларининг, янги социалистик ижтимоий тузумимизнинг реакцион ва агрессив империализм кучлари устидан қозонган буюк ғалабаси бўлиб тарихга кирди. Партиямиз Программасида айтилганидек, совет халқининг бу урушда қозонган ғалабаси социалистик жамиятнинг илгарилаб борувчи тараққиётини тўхтатиб қўя оладиган куч дунёда йўқлигини яна бир карра тасдиқлади.

Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, улуғ Ленин тузган шонли Коммунистик партияга садоқат, совет ватанпарварлиги, мамлакатимиздаги турли миллат ва элатларнинг сира бузилмас, метиндек мустаҳкам дўстлиги, совет кишиларининг маънавий-сиёсий бирлиги ва бошқа муҳим факторлар бу курашда ғалаба қозонишимизга асос бўлди. СССР халқларининг дўстлиги нақадар бақувват ва мустаҳкам эканлигини, бу дўстлик нақадар чуқур томир ёйганлигини Улуғ Ватан уруши жуда яққол кўрсатди. Совет Иттифоқи бу урушдан янада кучлироқ, бақувватроқ бўлиб чиқди, армиямиз ва ҳарбий техникамизнинг қудрати беқиёс даражада ошди, совет кишиларининг маънавий-сиёсий бирлиги, ҳамкорлиги тағин ҳам кучайди, социалистик ижтимоий тузумимизнинг пойдевори янада мустаҳкамланди.

Гитлерчи газандаларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан урушида совет кишилари ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Уларнинг буюк жасорати тарих йилномасига олтин сатрлар билан битилган.

Оташин совет ватанпарварлиги Ватанимиздаги турли миллатларнинг фарзандларини даҳшатли жангларда мардлик ҳамда жасорат кўрсатишга руҳлантириб турди. Уруш йиллари мобайнида мукофотланган фронтчилар орасида юздан кўпроқ миллат вакиллари борлиги бунинг ёрқин далилидир.

Улуғ Ватан урушида алоҳида қаҳрамонлик ва афсонавий жасорат кўрсатганликлари учун минглаб совет кишилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар. Булар орасида ўзбек халқининг ҳам жуда кўп фарзандлари бор. Қўчқор Турдиев, Аҳмаджон Шукуров, Тўйчи Эрйигитов, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ва бошқа кўпгина қаҳрамонларимиз Ўзбекистоннинг ифтихоридир. Улар ўз жасоратлари ва мустаҳкам иродаси билан ўзбек халқининг шон-шуҳратини юқори кўтардилар, СССР халқларининг дўстлиги ва биродарлигини намойиш қилдилар.

Мамлакатимиздаги барча халқларнинг, турли миллатларнинг фарзандлари бир ёқадан бош чиқариб, она-Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида, буюк раҳнамоси — Коммунистик партия раҳбарлигида душманга қарши мардона кураш олиб бордилар. Москва остоналаридаги, Ленинград, Сталинград, Одесса ва Киевдаги, Волга ва Днепрдаги, Орёл-Курск дугасидаги шиддатли жангларда қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатганлар, Сталинграддан то Берлинга қадар ғолибона йўл боскан, рейхстаг устига Қизил Ғалаба байроғини тикканлар ҳам қон-қардош халқлар вакилларидир. Бу эса ленинча миллий сиёсатнинг, социалистик ижтимоий тузумнинг, СССР халқлари ўртасидаги буюк дўстликнинг ва Коммунистик партия амалга оширган доно сиёсатнинг улкан тантанаси бўлди.

Шонли Коммунистик партия Улуғ Ватан урушининг бутун давомида жангчиларимизни зафарлар сари илҳомлантириб турди, бирлик ва жипсликнинг ажойиб намуналарини кўрсатди, энг оғир дамларда ҳам монолит жанговар ташкилот сифатида ҳаракат қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Коммунистик партиянинг халқ оммаси билан алоқаси ниҳоятда мустаҳкамланди, унинг обрў-эътибори ва жанговарлик қобилияти бениҳоя кучайди. Буни биз ўша пайтларда партия сафларининг мислсиз ўсганлигида ҳам яққол кўрамиз. Уруш йилларида 5.319.297 кишининг партия аъзолиги кандидатлигига ва 3.615.451 кишининг партия аъзолигига қабул қилинганлиги Коммунистик партия сафларининг кучли суратда ўсганлиги ва обрўси беқиёс ортганлигидан далолат беради.

Коммунистик партия ўзининг бутун диққат-эътиборини душман устидан ғалабани таъминлашга қаратди. У ўзининг жанговар куч-қудратини фронтларга юбориб, ғоят қийин операцияларни амалга оширди, жангчиларнинг руҳини кўтариб турди. 1945 йил бошларига келиб 3.325 минг коммунист ёки партия бутун шахсий составининг қариб 60 проценти фронтларда иштирок этди. Буюк ғалабани таъминлашда улар, шубҳасиз, катта ҳисса қўшдилар.

Фронт орқасида, мамлакат ичкарисида эса совет кишилари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, армиямизга ёрдам бериб турдилар. «Ҳамма нарса фронт учун! Ҳамма нарса ғалаба учун!» — совет кишилари ана шу шиорни дилларига жо қилиб, мардлик ва жасорат кўрсатдилар. Фронтга кетганларнинг ўрнини сездирмаслик учун янгидан-янги кишилар—аёллар ўспиринлар, йигит ва қизлар, хатто қариялар станоклар олдида, домналарда, мартенларда, шахта ва конларнинг забойларида тер тўкиб ишладилар, буюк ғалабага пухта замин ҳозирладилар.

Фашист газандаларининг Совет Армияси томонидан тор-мор қилинганлиги планетамиздаги барча халқларнинг тақдири учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Европа ва Осиёдаги кўпчилик мамлакатларни фашизм асоратига тушиб қолиш хавфидан ҳалос этди, уларнинг социалистик йўлга тушиб олиши ва янги ҳаёт қуриши учун қулай имкониятлар яратди.

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҳалок бўлган минглаб ва миллионлаб совет кишиларини халқимиз доим ҳурмат билан эсда сақлайди. Ватан учун жонини фидо қилган қаҳрамонлар халқимизнинг тилида ва дилида ҳамиша тирикдир!

Ғалаба кунининг 20 йиллиги муносабати билан областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам катта байрам тантаналари бўлиб ўтяпти. Уруш ветеранлари, собиқ партизанлар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан учрашувлар, суҳбатлар ва лекциялар уюштирилмоқда. Китоб виставкалари, Ватан уруши лавҳалари акс эттирилган махсус стендлар, кинофильмлар намойиш қилинаётир. Ҳамма ерда шодлик, байрам тантаналари ҳукмрон.

Коммунистик жамият қураётган совет кишилари, шунингдек бутун тараққийпарвар инсоният тинчлик тарафдоридирлар. Аммо империалистик доиралар ва айниқса, Америка империализмининг кейинги вақтларда Вьетнамда ва Доминикана республикасида олиб бораётган агрессив ҳатти-ҳаракатлари тинчлик ишига жиддий таҳдид солмоқда. Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати уруш олови ёқувчиларининг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар, жаҳон афкор оммасининг диққатини янги жаҳон урушининг олдини олишга қаратмоқдалар, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Янги жаҳон урушига йўл йўқ. Биз тинчлик тарафдоримиз. Империалистларнинг ҳар қандай урунишлари барбод бўлади. Жаҳон халқлари тинчлик посбони Совет Қуролли Кучларини буюк ғалаба кунида табрикламоқдалар. Қаҳрамон совет халқига, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси коммунистик партиямизга шон-шарафлар!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Немис халқи фашизмдан озод қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи партия ва ҳукумат раҳбарлари Германия Демократик Республикасининг раҳбарлари номига табрикнома йўлладилар. Улар бу табрикномада совет халқи номидан Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларига ва ГДР раҳбарларига қардошлик саломини топширдилар ва миллий байрам билан уларни самимий қутладилар.

Табрикномада айтиладики, ўтган йигирма йил ичида немис ерида тинчлик ва демократия давлати бўлган Германия Демократик Республикаси вужудга келди ва ривожланмоқда. Бу давлат Потсдам битимларининг юксак принципларини амалга оширди ва тинчлик сиёсатини қарор топдириш учун кураш олиб боришни ўзининг миллий вазифаси деб эълон қилди. Немис меҳнаткашларининг давлати, дейилади табрикномада, ўзининг актив тинчликсевар сиёсати билан юксак халқаро обрўга ва жаҳондаги барча прогрессив кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида қардошлик муносабатлари муваффақиятли ривожланмоқда ва янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу муносабатлар Дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан мустаҳкамланган. Дўстимиз ва иттифоқчимиз бўлган Германия Демократик Республикасига, унинг давлат чегараларининг даҳлсизлигига қилинадиган ҳар қандай ҳамла биргалашган қақшатғич зарбага учрайди, деб таъкидланади табрикномада.

Совет Иттифоқининг коммунистлари, совет халқи халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги учун, тинчлик ва социализм кучларини янада мустаҳкамлаш учун кураша Германия Биргалашган социалистик партияси қўшаётган тарихий ҳиссага юксак баҳо берадилар дейилади табрикномада.

(ТАСС).

ГДР РАҲБАРЛАРИ ТАБРИКЛАЙДИ

БЕРЛИН. Немис халқи фашизмдан озод қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Германия Демократик Республикаси раҳбарлари Совет Иттифоқи партия ва ҳукумат раҳбарлари номига табрикнома юборио, ГДРнинг ҳамма гражданлари номидан СССР партия ва ҳукумат раҳбарларига, Совет Иттифоқи халқларига ва шавкатли Совет Армиясига қардошларча жанговар салом йўлладилар ҳамда уларни гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги билан чин юракдан табрикладилар.

Табрикномада таъкидлаб айтиладики, Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партияси раҳбарлигида Совет Иттифоқи халқларининг фидокорлик билан олиб борган кураши ва қозонган ғалабаси жаҳондаги кучлар нисбатини тинчлик, демократия ва социализм кучлари фойдасига тўбдан ўзгартириб юбориш учун таянч нуқтаси бўлди. «Германия Демократик Республикаси, дейилади табрикномада, Ғарбий Германияга қарама-қарши ўлароқ, Потсдам битимида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни изчиллик билан бажарди ҳамда фашизм ва милитаризмни тағ-томири билан йўқотди. ГДР Германияда биринчи социалистик тинчлик давлати ҳамда немис халқи орасида тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг суянчиги бўлиб қолди. Германия Демократик Республикаси Европа марказида тинчликни таъминлаш учун ва Германия масаласини тинч бартараф этиш учун олиб бораётган кураши билан немис тупроғидан янги уруш бошланиб кетишига тўсқинлик қилишни ўзининг тарихий вазифаси, деб билмоқда».

ГДР раҳбарлари Ғарбий Германия ҳукмрон доираларининг реваншчилик планларини ва АҚШнинг мард Вьетнам халқига қарши қилаётган жиноятқорона агрессиясини кескин қоралайдилар.

«Дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида Германия Демократик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида тузилган шартнома,— дейилади табрикномада, — иккала давлат ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб берди, бу шартнома Германия Демократик Республикасида кенг авж олдирилган социализм қурилишининг ишончли гарантиясидир, тинчликнинг ва халқларимиз ўртасида жуда яқин қардошларча дўстлик билан ҳамкорликни доимо мустаҳкамлашнинг гарантиясидир».

(ТАСС).



Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1965 ЙИЛ 9 МАЙ | № 125 | МОСКВА ШАҲРИ.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина Ўртоқлар! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Армия ва флот ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчилари!

Иккинчи жаҳон урушини бошлаган фашистлар Германияси Совет Иттифоқи ва антигитлерчилар коалициясидаги мамлакатлар Қуролли Кучларининг зарбалари остида тамомила маглубиятга учраб, сўзсиз таслим бўлган пайтдан бери орадан йигирма йил ўтди.

Совет кишилари учун бу шонли кун айниқса қимматли ва унутилмас кундир.

Бизнинг халқимиз ва шавкатли жангчиларимиз гитлерчиларга қарши курашнинг асосий оғирлигини ўз зиммаларига олдилар, Ватанимизни босқинчилардан кўкрак кериб ҳимоя қилиб қолдилар, душманни тормор келтирдилар ва Европа халқларига фашист қуллиги бўйинтуруғини улоқтириб ташлашга ёрдам бердилар.

Фронтда ва мамлакат ичкарисида барча совет кишилари фидокорона куч-ғайрат сарфлаб ишлаганликлари туфайли Улуғ Ватан урушида тарихий ғалаба қозонилди. Бу оғир ва қонли жангда Совет Иттифоқи халқлари юксак ғоявий эътиқодли эканликларини, ўзларининг ватанпарварлик бурчларини нечоғлик яхши тушунганликларини намойиш қилдилар, мислсиз мардлик, матонат ва жасорат намуналарини бутун дунёга кўрсатдилар. Уларнинг қаҳрамонона жасоратлари асрлар бўйи яшайди.

Фашист золимларга қарши урушда Коммунистик партиянинг руҳлантирувчи ва тошкилотчилик роли, социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг мустаҳкамлиги ва ҳаётийлиги, марксча-ленинча идеяларнинг улуғворлиги ўзининг бутун салобати билан намоён бўлди.

Машаққатли жангларда фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Уруш натижасида империализмнинг позициялари кескин заифлашиб қолди, Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларнинг социализм йўлига ўтиб олишлари учун қулай шарт-шароит вужудга келди, миллий озодлик ҳаракати беқиёс зўр куч билан авж олиб кетди.

Ўтган йигирма йил мобайнида Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида уруш етказган оғир жароҳатларни тузатиш билан бирга ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан Ватанимизнинг қудратини мисли кўрилмаган юксакликка кўтардилар, коммунизм сари катта одим ташладилар. Мамлакатимизнинг космосни ўзлаштиришда эришаётган улкан муваффақиятлари совет экономикаси, фан ва техникасини ривожлантиришда жуда катта тараққиёт қўлга киритилганлигининг ёрқин далилидир.

Бизнинг партиямиз билан ҳукуматимиз бутун совет халқининг ҳохиш-иродасини ифодалаб, коммунизм қуришнинг зарур шарти бўлган тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қунт билан курашмоқдалар. Бироқ, Совет Иттифоқининг бутун прогрессив инсоният қизғин қўллаб-қувватлаётган тинчликсеварлик сиёсатига Америка Қўшма Штатлари империалистлари бошчилигидаги жаҳон реакцияси жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатмоқда.

Империалистлар ўтмиш сабоқларини назар-писанд қилмай, жаҳонга яна уруш таҳдидини солмоқдалар, улар Бонн реваншчиларига, Ғарбий Германиянинг ҳарбий-иқтисодий потенциалини қайта тиклаб олишда ёрдамлашдилар ва Бонн реваншчиларини ядро қуролига шерик қилишга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Америка империалистлари кейинги вақтларда Шарқи-Жанубий Осиёда урушнинг хатарли ўчоғини келтириб чиқардилар, Вьетнам Демократик Республикасига қарши очиқдан-очиқ агрессия қилиш йўлига тушиб олдилар. Кубанинг қаҳрамон халқига қарши қилаётган нғвогарликларини тўхтатмаётирлар.

Империализм ўзининг агрессив ҳаракатларини кучайтириб бораётганлиги сабабли Коммунистик партия билан Совет ҳукумати мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада ошириш, армия ва флотни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Ватан душманларига қарши аёвсиз жангларда ўз жанговар байроқларининг шуҳратини оширган Совет Қуролли Кучлари тинчлик посбонлигида ва коммунизм қураётган совет халқи ижодий меҳнатининг посбонлигида бардам турибдилар. Совет қуролли кучлари доимо жанговар тайёр ҳолатда бўлиб, социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг армиялари билан биргалиқда хар қандай агрессорга қақшатғич зарба беришга қодирдирлар. Бутун тинчликсевар прогрессив инсоният бизни қўллаб-қувватламоқда.

Совет Қуролли Кучларининг шахсий составини, Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган улуғ ғалабанинг йигирма йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Бу шонли кунни нишонлаш юзасидан **БУЮРАМАН:**

Бугун, 9 майда, маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар: Ленинград, Волгоград, Севастополь ва Одессада, ҳарбий округлар ва флотлар қўшинларининг бошқармалари жойлашган шаҳарларда, шунингдек Брест, Брянск, Горький, Грозний, Днепропетровск, Донецк, Иркутск, Красноярск, Курск, Мурманск, Новороссийск, Омск, Орел, Петропавловск-Камчатка, Смоленск, Тула, Харьков, Челябинск, Южно-Сахалинск шаҳарларида тўплардан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб салют берилсин.

Армия ва флот жангчилари! Жанговар традицияларни муқаддас сақлангиз ва кўпайтириб борингиз, жанговар байроқларимизнинг шарафи ва сўнмас шон-шуҳратини ардоқлаб асрангиз!

Герман фашизми устидан улуғ ғалаба қозонган совет жангчилари, партизанлари, ишчилари, колхозчилари, интеллигенциясининг қаҳрамонона жасорати халқлар хотирасида абадий яшай берсин!

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Р. МАЛИНОВСКИЙ

СССР Мудофаа министри,

Совет Иттифоқи маршали.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Ватаннинг жанговар шуҳрати! Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқи қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаётган мамлакатимизнинг бутун ҳаётида шу қаҳрамонона зафарларининг ўткир нафаси сезилиб турибди. Фашистлар Германияси устидан қозонилган ана шу тарихий ғалаба совет халқининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Ленин партияси раҳбарлигида қўлга киритилди.

Совет Армияси Европа халқларини гитлерчилар зулмидан озод қилди, бутун инсониятни фашизм асоратига тушиб қолиш хавфидан қутқазди. Ғалаба куни Октябрь ғалабаларига қасд қилиш фикридан қайтмаган кишиларга ҳамиша жиддий огоҳлантириш бўлиб қолади.

Ғалабага олиб келган йўл узоқ ва оғир йўл бўлди. Бизнинг халқимиз жуда катта синовлар, машаққатлар эвазига, миллионларча кишиларни қурбон бериш эвазига ғалабани қўлга киритди.

Ўша пайтдан буён 20 йил ўтди. Харобалар устида муҳташам шаҳарлар қад кўтарди, уруш ўти ичида ёнган ерларда ёш дарахтлар ўсмоқда, Аммо фашист босқинчиларга қарши даҳшатли кураш пайтлари инсониятнинг хотирасидан ҳеч качон кўтарилмайди. Ҳозирги тантанали кунларда бутун мамлакат халоқ бўлган қаҳрамонларнинг хотирасини иззат-ҳурмат билан эсга олмоқда, уруш ветеранларини, мамлакатимизнинг фронт учун керакли қурол-яроғларни фидокорона меҳнати билан тайёрлаб берган меҳнатчиларини зўр ифтихор билан улуғламоқда.

8 майда Кремлдаги Съездлар саройида Москва меҳнаткашларининг Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти вакиллари билан бирга совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

...Қизил байроқ фонида В. И. Ленининг скульптура портрети. Порлаб турган «1945» ва «1965» рақамлари гитлерчилар Германияси устидан ғалаба қозонилган кундан буён Ватанимиз босиб ўтган йигирма йиллик йўлни эсга туширади. Жанговар байроқлар ёнида барча қўшин турларининг вакиллари фахрий қоровул бўлиб саф тортганлар. Саройнинг улкан зали бугун қаҳрамонларнинг олтин юлдузлари, орденлар, жанговар медаллар нури билан порлагандек туюлади. Жонларини аямай севикли мамлакатимизнинг шон-шарафи ва мустақиллигини ҳимоя қилган кишилар — Волгадан Шпрейгача узоқ йўлни босиб ўтган донгдор ҳарбий саркардалар, довюрак солдатлар, эрлари, ўғиллари ва ака-укалари билан бирга душманга қарши жангларда қатнашган мард аёлларимиз бу ерга тўпланишди. Бу ерда Москва завод ва фабрикаларининг меҳнаткашлари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг тинч меҳнатини қўриқлаётган жангчилар бор эди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков ўртоқлар, Совет Иттифоқи маршаллари Р. Я. Малиновский, И. Х. Баграмян, С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, Ф. И. Голиков, А. А. Гречко, А. И. Еременко, Г. К. Жуков, М. В. Захаров, Н. И. Крылов, К. С. Москаленко, К. К. Рокоссовский, С. К. Тимошенко, флот адмирали С. Г. Горшков, ғалабанинг 20 йиллиги байрамида қатнашиш учун Москвада бўлган делегацияларнинг бошлиқлари — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Министрлар Совети партия ҳамда давлат контроли комитетининг раиси Б. Велчев, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Венгрия Халқ Республикаси Госпланининг раиси Миклош Айтаи, Вьетнам Демократик Республикаси Демократик партиясининг бош секретари, Миллат мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари, давлат хўжаликлари вичистри Нгиен Суан Йем, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф, Халқ вакиллари умумхитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Линь Фэн, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, чет эллар билан маданий алоқа комитетининг раиси Со Чер, Куба Социалистик революция бирлашган партияси миллий раҳбарлигининг аъзоси, Куба Республикаси ички савдо министри Мануэль Лусардо Гарсиа, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетга Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Дугэрсурэн Цаганламия, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ришард Стшелецкий, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Эмиль Боднэраш, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Миллат мажлиси Президиумининг аъзоси, Чехословакия—Совет дўстлиги иттифоқи Марказий Комитети Президиумининг раиси Зденек Фирлингер, Югославия коммунистлар союзи Марказий Комитети Ижроия Комитетининг аъзоси, Югославия меҳнаткаш халқ социалистик иттифоқи иттифоқ комитетининг раиси, иттифоқ скупшинасининг депутати Лазар Колишевский президиумга чиққанларида ҳамма уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси Президиумининг раиси Г. Трайков, Испания Коммунистик партиясининг раиси Долорес Ибарруре, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Холид Баг-дош, Конго (Браззавиль) миллий революцион ҳаракати партияси Сиёсий бюросининг биринчи сиёсий секретари А. Нумазалай, Жазоир миллий озодлик фронти партияси сиёсий бюросининг аъзоси Умар бин Маҳжуб, Жазоир Халқ Демократик Республикаси миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг азоси, Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва миллий мудофаа министри Хуари Бумедьен, Италия Коммунистик партияси раҳбарлигининг аъзоси, антифашистлар миллий уюшмасининг раиси Умберто Терначини, немис оккупацияси вақтида Данияда қаршилик кўрсатиш армиясининг раҳбари Свенда Вагнер, Ғалаба куни байрамида қатнашиш учун Москвага келган чет мамлакатлар ҳарбий делегацияларининг бошлиқлари, социалистик мамлакатлардан, шунингдек Франция, Англия, АҚШ ва бошқа кўп давлатлардан келган уруш ветеранларини йиғилишда ҳозир бўлганлар қизғин табрикладилар.

Залда СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, чет эллардан келган жуда кўп меҳмонлар, совет ва чет эл мухбирлари бор эди.

Тантанали йиғилишни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов очди.

Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 20 йиллиги тўғрисида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев доклад қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди. Доклад тамом бўлгандан кейин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети шарафига, совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли кучлари шарафига табрик хитоблари янгради.

М. А. Суслов ҳукуматнинг юксак мукофотини топшириш учун Москва меҳнаткашларининг делегациясини президиумга таклиф этади. Ватанимизнинг пойтахти ана шу юксак мукофотни олишга сазовор бўлган эди. Ҳамма ўрнидан туриб москваликларни—жанг қаҳрамонлари ва меҳнат қаҳрамонларини, олимларни, санъат усталарини, жамоат арбобларини табриклайди. Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов Москва байроғини кўтариб кириб келади.

Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Москвага қаҳрамон шаҳар номини бериш ва Ленин ордени ҳамда Олтин юлдуз медалини топшириш тўғрисидаги ёрлиғини ўқиб беради.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Президиуми, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан фахрий ёрлиқни абадий сақлаш учун делегацияга топширади, шундан кейин Москвага берилган мукофот — Ленин ордени ва Олтин юлдуз медалини байроққа тақиб қўяди. Йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсак чаладилар, «Қаҳрамон шаҳар Москвага шон-шарафлар бўлсин!», «Партиямизга шон-шарафлар бўлсин!», «Халкимизга шон-шарафлар бўлсин!» деган табрик хитоблари янграйди. Болалар президиум аъзоларига. Москва делегацияси аъзоларига, чет эл меҳмонларига гуллар тақдим этадилар.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолари ва Марказий Комитет Президиуми аъзолигига кандидатлар, партия Марказий Комитети секретарлари номидан, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан москваликларни уларнинг совикли қаҳрамон шаҳри ҳақли суратда сазовор бўлган юксак унвон берилиши билан яна бир марта илиқ, самимий ва чин кўнгилдан табриклайди. Л. И. Брежнев уларга миллионларча москваликлар бажараётган жуда катта ишларда янгидан — янги ижодий муваффақият ва зафарлар тилайди, Москвада яшовчи ҳар бир кишининг ҳаётида бахт ва муваффақиятлар тилайди.

Шундан кейин КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев нутқ сўзлайди.

Тантанали йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи гимнининг улуғвор садолари янграйди. Залда гулдурос қарсаклар узоқ давом этади, улуғ совет халқи, Коммунистик партия шарафига барча халқларнинг бузилмас дўстлиги шарафига яна ва яна табрик хитоблари янграйди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун жангчиларнинг бадиий ҳаваскорлик коллективлари катта концерт қўйиб бердилар.

* * *

Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган буюк ғалабаси 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлар совет иттифоқдош республикалари пойтахтларида — Киев, Минск, Тошкент, Олмаота, Тбилиси, Боку, Вильнюс, Кишинев, Рига, Фрунзе, Душанба, Ереван, Ашхобод ва Таллинда, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоградда ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлиб ўтди. (ТАСС).

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ЭРИШГАН ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШДА

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ доклади

Азиз ўртоқлар! Азиз дўстлар!

Снарядлар ва бомбалардан жароҳатланган ер узра Улуғ Ватан уруши тўпларининг сўнгги садолари тинган тарихий кундан бери йигирма йил ўтди. «Уруш тамом бўлди! Биз ғалаба қилдик! Душман таслим бўлди!» деб орзиқиб кутилган хабар тун кетиб, тонг отаётган соатда бепоён Ватанимиз узра яшин тезлигида тарқалди. Ўша пайтда мамлакатимиз шаҳарлари ва қишлоқларининг кўчаларида қандай тантаналар бўлганлигини ўз кўзи билан кўришга мушаррраф бўлган ҳар бир киши жангда шоншуҳрат қозонган қаҳрамон армиямиздан, Ватанимиздан, улуғ совет халқимиздан беҳад шодланганлигини, фахрланганлигини ҳеч качон унутмайди!

Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалаба байрами социалистик давлатимиз тарихида, коммунизм тантанаси учун олиб бораётган курашимиз тарихида энг ёрқин ва унутилмас кунлардан бири бўлиб абадий қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ватанимиз меҳнаткашларини, шонли Қуролли Кучларимизни ана шу тарихий ғалабанинг йигирма йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

Ғалаба куннни байрам қилмоқ учун қардош социалистик мамлакатлар ва коммунистик партияларнинг делегациялари меҳмон бўлиб келишди. Мана шу залда ўтирган:

— Ўртоқ Б. Велчев бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ М. Айтаи бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Нгиен Суан Йем бошчилигидаги Вьетнам Демократик Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ В. Штоф бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Линь Фан бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Со Чер бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Мануэль Люсардо Гарсиа бошчилигидаги Куба Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Ц. Дугэрсурэн бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Р. Стшелецкий бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Э. Боднэраш бошчилигидаги Руминия Халқ Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ З. Фирлингер бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Л. Колишевский бошчилигидаги Югославия Социалистик Федератив Республикаси делегациясини;

— Ўртоқ Х. Бумедьен бошчилигидаги Жазоир Халқ Демократик Республикасининг ҳукумат делегациясини ва Ўртоқ Бин Маҳжуб бошчилигидаги Миллий озодлик фронти партияси делегациясини чин кўнгилдан табриклаймиз!

Мана шу залда бизлар билан бирга меҳмонимиз — Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумининг раиси Ўртоқ Георгий Трайков ўтирибди. Биз қардош болгар халқининг муҳтарам вакилини чин юракдан табриклаймиз!

Биз чет эллардан меҳмон бўлиб келган делегацияларни ва айрим кишиларни — халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати намояндаларини, касаба союз, ҳотин-қизлар, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг арбобларини астойдил табриклаймиз.

Шунингдек қардош социализм мамлакатларидан ҳамда Осиё ва Африкадаги бизга дўст бўлган давлатлардан байрамимизга келган ҳарбий делегацияларни қизғин табриклашга рухсат бергайсиз! Биз ғалаба тантанасини биз билан бирга ўтказиш учун социалистик мамлакатлардан, шунингдек Франция, Англия, АҚШ ва бошқа кўпгина давлатлардан Москвага келган уруш ветеранларини чин юракдан табриклаётганимизга ишонамиз.

Ўртоқлар! Қутурган фашизмга қарши урушда мамлакатимизнинг тақдири, бутун дунёнинг келажаги ҳал қилинди. Агар, биз фашизмнинг қора кучларини жиловлаб қўймаганимизда, Ватанимизнинг, совет халқининг, ер юзидаги бошқа халқларнинг бошига қандай кунлар тушмас эди? Неча ўн ва неча юз миллионлаб кишилар қулликка тушиб қолган ва қирилиб кетган, бутун-бутун давлатлар ҳалокатга учраган, цивилизация емирилган бўлур эди. Кўпгина мамлакатлар ва қитъаларни фашизм жаҳолати зулмати қоплаб олган бўлур эди.

Ана шу мудҳиш қора ниятлар рўёбга чиқмади. Фашизмни қақшатган кучлар жаҳонда тўпилди. Ленинчи коммунистлар партияси раҳбарлик қилган совет халқи, унинг шонли қаҳрамон армияси инсониятнинг ана шу энг ёвуз душманини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Биз гитлерчилар Германиясига қарши олиб борилган озодлик курашига бошқа халқларнинг кўпган ҳиссасини, антифашист коалициядаги иттифоқчиларимизнинг хизматларини ғоят қадрлаймиз. Лекин ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади: курашнинг асосий оғир юки Совет Иттифоқи халқларининг зиммасига тушди.

Шавкатли Қизил Армиямизнинг мардлигига, жасурлигига ва қудратига ҳақиқатан ҳам бутун дунё қойил қолди. Улуғ социализм мамлакатида фақат ўз ҳаётини, ор-номуси ва озодлигини эмас, шу билан бирга, барча халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳам ҳимоя қилувчи революцион халқнинг баҳодирона кучлари қад кўтарганлигини ер юзидаги барча тараққийпарвар кишилар дарров сездилар. Фашизм қулликка солиб қўйган миллион-миллион кишиларнинг юракларида энди озод бўламиз, деган умид лов этиб порлади.

Гитлерчилар Германиясининг тор-мор келтирилганлиги тарақкиётнинг реакция устидан, инсонпарварликнинг ваҳшийлик устидан, социализмнинг империализм жаҳолати устидан ғалаба қозонганлигини билдирди. Бу ғалаба ишчилар синфининг революцион кўрашини юксалтириш учун, миллий озодлик ҳаракатини мисли кўрилмаган кенг миқёсларда авж олдириш ва шармандали мустамлакачилик системасининг ҳалокати учун йўл очиб берди.

Бугун биз Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йиллигини байрам қилар эканмиз, халқимизнинг Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун, ҳаққоний ишимизнинг тантанаси учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган довюрак ўғил ва қизларининг порлоқ хотираси олдида бош эгамиз. Уларнинг кўрсатган жасоратлари ҳар бир ватанпарвар, келажак авлодларга ҳамиша ибрат бўла берсин!

Ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Ўртоқлар! Уларнинг хотирасини ҳурматлаш учун ўринларингиздан туришингизни сўрайман.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ҚАҲРАМОНОНА ЖАСОРАТИ АСРЛАР БЎЙИ ЯШАЙДИ

Ўртоқлар!

Тарих бизни уруш йилларидан қанча кўп узоқлаштирган сайин совет халқи кўрсатган қаҳрамонона жасоратнинг салобати шу қадар тўлароқ ва ёркинроқ намоён бўлмоқда. Совет халқи фашизм билан мисли кўрилмаган аёвсиз курашда Ватанимизни, социализм ғалабаларини қаттиқ туриб мардонавор саклаб қолди.

Гитлерчи босқинчиларнинг хиёнаткорона қилган ҳужуми халқимизнинг тинч меҳнатини ўлдажўлда қолдирган 1941 йилнинг 22 июнь кунини совет кишилари ҳеч качон унутмайдилар. Ватанимиз жуда катта хавф остида қолган эди.

Ўша вақтга келиб фашистлар Германияси бошлаган иккинчи жаҳон урушининг ёнғини кўпгина мамлакатларга ёйилган эди.

Гитлер ва унинг тўдаси Германияда ҳокимиятни босиб олгач, немис халқининг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини йўқ қилди, ишчиларнинг ташкилотларини ва бошқа оммавий ташкилотларни остин-устин қилиб ташлади, қонли террор режимини ўрнатди. Жаҳонга ҳукмрон бўлиб олиш йўлини ошкора эълон қилган гитлерчилар ҳокимияти остида Германия ҳарбий игвогарликлар ва авантюралар манбаига айланиб кетди.

Нацизм ҳамма халқлар учун нақадар хавф-хатарли эканини коммунистлар олдиндан огоҳлантириб қўйган эдилар. Фашизм — империализмнинг энг реакцион, энг шовинистик унсурлари ўрнатадиган ошкора террорчилик диктатураси эканлигини, бу диктатура меҳнаткашларни асоратга солишга ва вҳшиёна империалистик уруш тайёрлашга қаратилганлигини коммунистлар таъкидлаган эдилар.

Бизнинг партиямиз ва совет халқи Владимир Ильич Ленининг империализм ҳар вақт Совет Иттифоқига қарши урушларнинг иккинчи палласини бошлаб юборишин мумкин, деб огоҳлантириб айтган гапларини яхши эсда тутдилар ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини юксалтириш чораларини кўриб келдилар.

Фашизм жаҳонга ҳукмрон бўлишга интилар экан, коммунизмга қарши, жаҳонда биринчи социалистик давлатга қарши курашишни ўз сиёсатининг бош мақсади деб ҳисоблади. Совет Иттифоқи — барча революцион кучларнинг таянчи эканини, фашизмнинг энг муросасиз ва изчил душмани эканини, фашизмнинг жиноятқорона ниятларини амалга ошириш йўлида турган асосий ғов эканини Гитлер билар эди.

Гитлерчилар сиёсатининг советларга қарши йўлдан бораётганлигини Ғарбнинг реакцион доиралари активи қувватлаб турдилар. Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция империалистлари биринчи жаҳон урушидан кейин герман милитаризмини оёққа турғизиб, уни Совет Иттифоқига қарши йўлламоқ учун озмунча ҳаракат қилмадилар. Уруш йўлини тутажагини ошкора эълон қилган Гитлер Германия монополияларининг ёрдами билан ҳокимият тепасига чиқиб олгандан кейин эса Ғарб давлатлари агрессорни «тинчитиш» билан машғул бўлдилар. Улар Гитлер ўзининг ғалаларини Шарққа, социализм мамлакатига қарши солиб юборади, деб умидвор бўлиб, янгидан-янги қурбонларни унинг оёғи остига ташлай бердилар. Чехословакияни фашистлар Германиясига тутқизиб қўйган Мюнхендаги тил бириктириш империалистлардаги мана шу макрли режанинг энг шармандали кўриниши бўлди.

Фашист агрессорларга коллектив зарба бериш тўғрисида Совет ҳукуматининг ҳамма таклифларини рад этган «тинчитувчиларни» тарих қаттиқ жазолади. Лондонда, Парижда ва Вашингтонда ўша вақтда биринчи ўринга қўйилган мўлжаллар ва умидларга зид равишда фашистлар Германияси иккинчи жаҳон урушини СССРга ҳужум қилишдан бошламай, балки Европадаги капиталистик давлатларга ҳужум қилишдан бошлаб юборди. Гитлерчилар қулай шароитдан фойдаланиб Австрияни, Польшани, Бельгияни, Голландияни, Данияни, Норвегияни, Югославияни, Грециянп ва бошқа мамлакатларни босиб олдилар. Улар иттифоқликни ниқоб қилиб туриб ҳақиқатда, Венгрияни ва Руминияни эгаллаб олдилар. Улар Францияни мағлубиятга учратдилар ва Англияга бостириб кириш хавфини тугдирдилар.

Гитлерчи босқинчилар ўзлари эгаллаб олган мамлакатларнинг мустақиллигини оёқ ости қилдилар, шу мамлакатларда одамларни отиш ва дорга осиш йўли билан ўзлари ўйлаб чиқарган «янги тартибни» ўрната бердилар, шу мамлакатларнинг миллий бойликларини таладилар ва йўқ қила бердилар. Фашизм нақадар ёвуз ва шафқатсиз душман эканлигини халқлар ўз тажрибаларида кўриб, қаноат ҳосил қилдилар ва босқинчиларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга кириштдилар. Бу — фашизмга қарши адолатли, озодлик кураши эди.

Гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига ҳужуми иккинчи жаҳон урушининг янги палласини бошлаб берди. Совет халқи учун бу уруш фашист босқинчиларга қарши Улуғ Ватан урушининг бошланиши бўлди.

Маълумки, урушнинг биринчи босқичи биз учун ноқулай ва душман учун қулай шароитда ўтди. Уруш бошланмасдан анча олдин, фашист Германияси ўзининг бутун экономикасини ҳарбий изга кўчирган эди. СССРга ҳужум бошланган пайтда деярли бутун Ғарбий Европанинг ресурслари ва Германияга қарам бўлган мамлакатларнинг қўшинлари Гитлернинг ихтиёрида эди.

Немис-фашист қўшинлари олдиндан сафарбар қилиниб, зарба берадиган қилиб жойлаштирилган ва бизнинг чегарамизга жуда яқин келтириб қўйилган эди. Бизнинг мамлакатимизга қарши урушга тиш-тирноғигача қуролланган жуда катта армия ташландики, инсоният тарихида ҳеч бир давлат, давлатларнинг ҳеч бир иттифоқи бошқа давлатга қарши шунақа армияни жангга солмаган эди. Маккорлик ва ёғийлик билан тўсатдан қилинган ҳужум фашистларга қўл келди.

Душман ўзининг вақтинча устунлигидан фойдаланиб, мамлакатимизнинг ичка ичларисига ёриб кирди. Қўшинларимиз қаҳрамонларча қаршилик кўрсатишларига қарамай, 1941 йил ноябрнинг охирига келиб гитлерчилар Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва, Латвия, Эстония территорияларини, шунингдек Россия Федерациясининг бир қанча ғарбий областларини босиб олдилар.

Урушнинг биринчи даврида совет халқи мағлубиятлар ва муваффақиятсизликларнинг аччиқ аламини тотишга мажбур бўлди. Лекин совет кишилари ғалабага бўлган қаттиқ ишончларини ҳеч качон йўқотганлари йўқ. Улуғ Ленин идеялари уларни руҳлантириб турди, у Октябрь қаҳрамонлари тўғрисида бундай деган эди: «...Уларнинг изидан борамиз, уларга ўхшаб қўрқмас, қаҳрамон бўламиз, деб касамёд қилайлик. Уларнинг шиори бизнинг шиоримиз бўлиб қолсин... Бу — «Ё ғалаба, ё ўлим» деган шиордир». Ғалабага бўлган ишонч фронтдаги жангчиларни, босиб олинган территориялардаги партизанларни, мамлакат ичкарисидаги совет меҳнаткашларини руҳлантириб турди. Бизнинг партиямиз, бизнинг халқимиз сира бўшашмади. Урушнинг биринчи давридаги ҳамма кийинчиликларни енгдик ва уруш ҳаракатларининг боришида тўбдан бурилиш ясашга муваффақ бўлдик.

Бундай жуда оғир вазиятда партия, совет халқи армиямизни мустаҳкамламоқ ва экономикамизни ҳарбий изга солиб қайта қурмоқ, мамлакатни жипслашган ҳарбий лагерга айлантирмоқ учун жуда катта, чиниқкан қаҳрамонона кучғайрат сарфладилар. Душманга зарба беришни ташкил этишга қаратилган ҳамма ҳаракатларга раҳбарлик қилмоқ учун ВКП(б) Марказий Комитетининг Бош секретари И. В. Сталин бошчилигида Давлат Мудофаа комитети тузилди. Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, Давлат Мудофаа комитети мамлакатимизнинг ҳамма кучларини сафарбар қилиш йўлида жуда катта иш олиб бордилар. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!», «Бутун куч — душманни тор-мор келтиришга!» — бу шиорлар фашист босқинчиларга қарши курашда байроқ бўлиб қолди.

Душман ўзининг вақтинча ғалабаларидан маст бўлиб турган бир маҳалда партиянинг ақл-идроки ва иродаси, халқнинг фидокорона куч-ғайрати енгилмас пўлат кучини тоблаб чиниқтира берди, бу куч тез фурсатда фашист босқинчиларни даҳшатга солувчи кучга айланди.

Иккинчи жаҳон урушининг нима билан тугаши айни совет — герман фронтида шу фронтда уруш ҳаракатлари ҳал қилинаётганлиги бошланган дастлабки кунларданоқ равшан бўлиб қолди. Душман бостириб кириши ҳавфи остида турган Англия ҳукумати, фашистлар Германиясининг ва милитаристик Японияннинг кучайиб кетишидан ташвишга тушиб қолган АҚШ ҳукумати Совет Иттифоқи билан биргаликда курашишга тайёр эканликларини айтдилар. Гитлеризмга қарши коалиция вужудга келди, бу коалиция халқларни ва давлатларни фашист босқинчиларга қарши ялпи кураш олиб бориш учун бирлаштирди.

Бу коалиция буюк давлатларнинг дипломатик битимларидангина иборат бўлиб туғилгани йўқ. Бу коалиция урушдан олдиноқ коммунистлар, илғор ишчилар ва интеллигенция намояндалари, ҳамма халқларнинг энг яхши фарзандлари фашизмга қарши олиб борган курашда томир ёйган эди. Бу кураш кенгая берди, янгидан-янги миллионлаб кишиларни камраб ола берди, бутун жаҳон оммавий ҳаракатига айланиб кетди. Бу ҳаракат шундай улуғ сиёсий куч бўлиб қолдики, ҳатто тараққиёт ва коммунизм идеяларидан узоқ бўлган, ҳеч качон Совет Иттифоқига хайрихоҳ бўлмаган одамлар ҳам шу куч билан ҳисоблашмасликка иложлари қолмади.

Гитлерчилар қўмондонлигининг асосий стратегик режасини — «яшин тезлигида уруш» олиб боришга қаратилган режани бизнинг армиямиз Улуғ Ватан урушининг биринчи босқичларидаёқ барбод қилди.

Ленинград, Одесса, Севастополь, Киев мудофааси совет кишиларининг енгилмас матонатини, улар Ватан ерининг ҳар бир қаричини ўз жонларини аямай ҳимоя қилишга тайёр эканликларини кўрсатди. Бу қаҳрамонлик эпопеялари урушнинг бутун жараёни учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Афсонавий қаҳрамон шаҳарларнинг бўсағаларида гитлерчилар армиясининг катта-катта кучлари емирила берди.

Севастополь баҳолирлари — денгизчилар ва солдатлар ўз шаҳрини 250 кун қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Нева бўйидаги жанглар кеча-ю кундуз тўхтамай, 900 кун давом қилди. Ленин шаҳрининг қаҳрамон ҳимоячилари бўлган ленинградликларнинг иродаси ва матонатини душманнинг қутуриб келган атакалари ҳам, қамал оқибати бўлган очлик ва муҳтожликлар ҳам синдира олмади.

Гитлерчилар қўмондонлиги Ватанимиз пойтахти — Москвани босиб олишга алоҳида умид боғлаган эди. Немис армиясининг асосий кучлари Москва остоналарига келтириб қўйилган эди: сараланган эсэсчи дивизиялар ва энг тажрибали генералларга шу ерга юборилган эди. Дурбиндан қараган кишига Кремль миноралари кўриниб турибди, деб Гитлерга хабар қилиб қўйган эдилар. Фашистларнинг бошлиқлари Қизил майдонда тантанали парад ўтказишга тайёрланмоқда эдилар.

Васвос Гитлер бизнинг Қизил майдонни кўролмади. Совет Армияси унинг режаларини пучга чиқарди.

«Россия катта-ю, лекин чекинадиган жой қолмади — орқада Москва турибди». Сиёсий раҳбар Клочковнинг бу сўзлари Москвани ҳимоя қилаётган ҳамма кишиларнинг фикр-зикрини ифодалаб берди. Ватанимиз пойтахти енгилмас қалъага айлантирилди. Қатор-қатор қилиб қурилган мудофаа истеҳкомлари билан ўраб олинган кўркмас ва даҳшатли Москва ишлаб тура берди. Москва ғалабага замин тайёрлайверди. Мамлакатнинг сиёсий штаби — партия Марказий Комитети пойтахтда ўзининг жанговар постидан силжимади. Ўн минглаб москваликлар халқ лашкари сафига кирдилар, жонажон шаҳарни кўкрак кериб ҳимоя қилдилар. Уларнинг кўплари қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Москва заводлари ва фабрикаларининг ишчилари фронт учун тинимсиз меҳнат қилиб турдилар. Яқинлашиб келаётган хавфни Москва ўзининг бутун қудратли организми билан ҳис киларди. У, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам душманни якин йўлатмасликка, уни уч революция қаҳрамонларининг қони билан сугорилган пойтахт кўча ва майдонларига киритмасликка бутун жон-тани билан интилди. Москва мудофааси бутун Совет халқининг иши бўлиб қолди.

Қирқ биринчи йилнинг 7 ноябрида пойтахтни ҳимоя қилиш учун келган қўшинлар, шу жумладан донг чиқарган Сибирь дивизиялари Қизил майдондаги парад тамом бўлиши биланоқ, душманнинг йўлини тўсмоқ учун олдинги позицияларга жўнаб кетганликлари сизларнинг эътиборингизда бўлса керак, ўртоқлар.

(Давоми учинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ДЕГАН ФАХРИЙ НОМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«Қаҳрамон шаҳар» деган фахрий ном бериш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1965 йил 8 май.

* * *

«ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ДЕГАН ФАХРИЙ НОМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. «Қаҳрамон шаҳар» деган фахрий ном Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Ватанни ҳимоя қилишда ялпи қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатган шаҳарларига берилади.

2. «Қаҳрамон шаҳар» деган фахрий ном СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан берилади.

3. «Қаҳрамон шаҳар» деган фахрий номни олишга сазовор бўлган шаҳарга:

а) СССРнинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Олтин юлдуз медали топширилади;

б) СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи берилади.

4. Ленин ордени, Олтин юлдуз медалини ва СССР Олий Совети Президиуми ёрлиғини «Қаҳрамон шаҳар» деган фахрий номни олишга сазовор бўлган шаҳар меҳнаткашларининг вакилларига СССР Олий Совети Президиуми топширади.

5. Ленин ордени, Олтин юлдуз медали ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетида сақланади.

6. «Қаҳрамон шаҳар» деган фахрий номни олишга сазовор бўлган шаҳар байроғига Ленин ордени ва Олтин юлдуз медалининг сурати солинади.

7. «Қаҳрамон шаҳар» деган фахрий номни олишга сазовор бўлган шаҳарда Ленин ордени, Олтин юлдуз медали сурати солинган ва СССР Олий Совети Президиуми Фармонининг тексти ёзилган лавҳа ўрнатилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МОСКВА ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

(Боши иккинчи бетда).

Совет жангчилари оғир мудофаа жангларида немис армиясининг тинкасини қуритиб 1941 йилнинг декабрида гитлерчи галаларни пойтахт бўсағасидан улоқтириб ташладилар ва уларни Ғарбга қувиб юбордилар. Фашистлар армияси Москва ёнида тор-мор келтирилганлиги бу армия енгилмайди, деган афсонани пучга чиқарди. Москва ёнидаги тарихий ғалаба совет кишиларини янги жасоратлар кўрсатишга руҳлантирди, уларнинг душман муқаррар емирилади, деган ишончини мустаҳкамлади.

Азиз ўртоқлар!

Сизларга зўр хурсандлик билан шу хабарни маълум қиламанки, пойтахтимиз меҳнаткашларининг Ватан олдидаги жуда катта хизматлари, Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонликлари, мардликлари ва матонатлари учун партиямиз Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати Москвага Ленин ордени ва Олтин юлдуз медали топшириш билан «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвонини беришга қарор қилдилар. Сизларни, азиз москваликлар, мана шу юксак ва муносиб мукофот билан қутлашга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар! Улуғ Ватан урушининг ҳал қилувчи воқеаларини эслаганимизда машҳур Сталинград жанги, 1942 йилнинг ёзи ва кузидаги қонли жанглар кўз олдимизга келади. Мана шу жангда Қизил Армия урушлар тарихида мисли кўрилмаган қаҳрамонлик ва ҳарбий маҳорат кўрсатди, порлоқ ғалабага эришди. Шу билан бутун жаҳон урушида туб бурилиш бошланди. Волгадаги мағлубият фашистлар империясини таг-томири билан ларзага келтирди. 300 минг кишилик, сараланган ҳарбий группировка тор-мор келтирилганлиги сабабли мотам либосига ўралган гитлерчилар Германиясида мотам қўнғироғи уч кун чалиниб турди.

Совет қўшинларининг бу ғалабаси тўғрисидаги хабар оккупация қилинган бутун Европага ёйилди. Бу хабар гитлерчиларнинг турмаларига ва тиканли симлар билан ўраган ажал лагерларига етиб борди. Бу хабар фашизмнинг ҳалок бўлиши муқаррар эканлигига ишончни кучайтирди, қаршилик кўрсатишга ва курашга даъват қила берди.

1943 йилнинг ёзида Орел-Курск дугасида бўлган жуда катта жанг гитлерчилар Германиясининг белини синдирди ва унинг зарбдор бронетанк қўшинларини ёндирди кул қилди. Жанговарлик маҳорати соҳасида, қурол-яроғ соҳасида, стратегик раҳбарлик қилиш соҳасида армиямизнинг устунлиги бутун дунёга равшан бўлиб қолди.

Бу улуғ урушдаги ҳамма операцияларни санаб ado қилиб бўлмайди. Аммо, Днепрни жанг қилиб кечиб ўтиш, Новороссийск олдидаги «кичик ернинг» қаҳрамонона мудофааси, Қримга десант туширилганлиги, Корсунь-Шевченковский, Ясси-Кишинев, Белоруссияда душманнинг жуда катта кучларини қуршаб олиш ва тор-мор келтириш операциялари сингари бизнинг армиямиз кўрсатган ажойиб жасоратларни унутиш мумкинми, ахир. Қора денгиздаги ва Болтиқ денгизидаги, Шимолий муз океанининг совуқ тўлқинларидаги ва Тинч океаннинг бепоён сувларидаги ўзларининг шижоатлари билан Улуғ Ватан уруши тарихига унутилмас саҳифалар ёзган шонли азамат денгизчиларимизнинг қаҳрамонлиги ва мардлиги тўғрисида гапирмай ўтиш мумкинми, ахир. Болтиқ, Қора денгиз, Шимолий ва Тинч океан флотларини Ватан уруши йилларидаги операциялар учун жанговар орденлар билан мукофотлаш тўғрисида партия ва ҳукуматнинг бугун қабул қилган қарорларида денгизчиларимизнинг ботирлиги ва ҳарбий шавкати, совет флоти саркардаларининг санъати муносиб тақдирланди.

Совет Қуролли Кучлари ҳужум суръатларини кучайтира бориб 1944 йилда душманга бир қанча янги қақшаткич зарбалар бердилар. Ватанимиз ерини фашист ифлослардан батамом тозаладилар ва уруш ҳаракатларини ўз мамлакатимиз доирасидан ташқарига кўчирдилар.

Ўша вақтнинг ўзида гитлерчиларга қарши коалициядаги иттифоқчиларимиз ўз қўшинларини Францияга туширибди, иккинчи фронт очдилар. Ўша вақтгача Совет Иттифоқи фашистлар Германиясининг асосий кучлари билан аслида яккама-якка жанг қилиб келди.

Совет Иттифоқининг ва гитлерчиларга қарши коалицияда қатнашган бошқа давлатларнинг қуролли кучлари бериб турган зарбалар остида Германиянинг иттифоқчилари бирин-кетин таслим бўлавердилар. Фашист давлатлар блоки бузилиб кетди, гитлерчилар Германияси батамом яккаланиб қолди.

Берлиндаги жуда катта жанг урушни поёнига етказди. Ҳар томондан ёндириб турилган ўқ учинчи рейхнинг бир вақтлар қудратли бўлган армияси қолдиқларини қисиб, эзиб ташлади. Гитлерчилар ўзининг ўлишига кўзи етган йиртқичлардек бутун жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатдилар. Лекин душман ярчиб ва емириб ташланди. Совет байроғи, Ғалабанинг қизил туғи фашизм уяси устида қилиндади.

Совет Армияси Австриядагы Альп тоғларига, Эльба дарёсининг бўйига ва Гамбургнинг шарқида Болтиқ соҳилига чиқиб олди. Германия тўла маглубиятга учраб, сўзсиз таслим бўлиш тўғрисидаги актга қўл қўйди. Мана шу тарихий пайтни Совет Иттифоқи халқлари қарийб бир минг беш юз кун кутган эдилар. Ниҳоят, шундай кун келди!

Халқимиз ғалабага осонлик билан эришгани йўқ. Совет Иттифоқи бошига тушган шу қадар даҳшатли уруш ҳеч бир халқнинг бошига тушмаган эди. Бу уруш йиғирма миллион совет кишисининг ёстиғини қуритди. Уруш оқибатида етим қолган, бева қолган, инвалид бўлиб қолган кишилар бир неча ўн миллионлаб ҳисобланади. Бу рақамлар одамлар тортган нақадар чексиз азоблар, ғам-ғуссаларни ифодалаб турибди! Уруш ўзининг фожиона изини қолдирмаган оила бизнинг мамлакатимизда камдан-кам учрайди, деса бўлади. Совет кишиларининг ҳалок бўлганлиги — бизнинг энг оғир талафотимиз бўлди. Шунинг учун ҳам биз совет кишиларининг Ватан учун, унинг озодлиги ва бахт-саодати учун тўкилган қонининг бир қатрасини ҳам асло унутмаймиз.

Бизнинг еримизда, бошқа мамлакатларнинг территорияларида гитлерчилар қилган йиртқичликларни қаҳр-ғазаб ва алам-изтироб билан эсламаслик мумкин эмас. Фашистлар оккупация қилиб турган вақтлар бутун-бутун халқлар учун катта фожиа бўлди. Совет Иттифоқида, Польшада, Югославияда, Чехословакияда ва Европанинг бошқа мамлакатларида гитлеризм қилган мудҳиш жиноятларни, тирик кишилар ёқилган гулхаларни, тирик одамларнинг газ тўлдирилган хоналарда бўғиб ўлдирилганлигини, ажал лагерларини унутиш мумкинми, ахир. Освенцим крематориялари қуйдирилган, Майданекдаги газ камераларида бўғиб ўлдирилган, Мавтхаузен майдонларида қийноққа солинган миллион-миллион эркаклар, хотинлар, чоллар ва болаларни унутиш мумкинми, ахир. Бухенвальд бонги шу кунгача ҳам одамларнинг қалбида янграб туриби, уларда фашизмга ва ирқчиликка нисбатан нафрат ҳисларини уйғотмоқда, инсонларга қарши жиноят қилганларни жазолашни талаб этмоқда.

Ўртоқлар!

Фашизмни тор-мор келтирган совет халқининг тарихий ғалабаси, аввало, социалистик тузумимизнинг қудратли ҳаётий кучини кўрсатувчи яққол далилдир.

Улуғ Ленин бундай деган эди: «Ишчи ва деҳқонларнинг кўпчилиги ўзларининг Совет ҳокимиятини — меҳнаткашлар ҳокимиятини қимоя қилаётганликларини билган, ҳис этган ва кўрган, ўзлари қимоя қилаётган ишнинг ғалабаси уларга ва уларнинг болаларига маданиятнинг бутун самараларидан, инсон меҳнатининг бутун самараларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашини билган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди». (Асарлар, 29-том, 327-бет).

Социализмнинг иқтисоди системаси, унинг иқтисодий ва ташкилий имкониятлари, совет жамиятининг ғоявий ва сиёсий бирлиги, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми СССР халқларининг дўстлиги, уларнинг Коммунистик партия таварагига жипслашганлиги, Совет Армиясининг мислсиз қаҳрамонлиги ва мардлиги — Улуғ Ватан урушида совет халқининг ғалаба қозонишини таъминлаган асосий омиллар ана шулардир.

Бизнинг шонли Коммунистик партиямиз бу урушда совет халқининг улуғ йўлбошчиси, ташкилотчиси ва саркардаси бўлди. Бизнинг партиямиз ўзининг бутун ташкилотчилик даҳосини, СССР халқларни қудратли ҳамдўстлигининг бутун кучини, халқнинг йиллар бўйи тўпланиб келган бутун ғайратини, сабот-матонатини, сабр-бардошни ва қудратли иродасини фашизмни тор-мор келтиришдан иборат ягона мақсадга қаратди.

Ленинчи коммунистларнинг қандай оғир революцион мактабдан ўтганликлари ҳаммага маълум. Чоризмнинг армия, полиция, жандармерия, гурмалар ва каторгадан иборат жуда катта машинаси уларга қарши турар эди. Курашнинг ҳар бир қадамида қон тўкилар, беҳисоб қурбонлар берилар эди. Аммо, коммунистлар хавф-хатарнинг юзига дадил қарашга, ўлимдан кўрқмасликка ўрганиб қолишган. Кучли душманнинг зарбалари остида улар оммани қаттиқ ва оғир кураш учун ленинча жипслаштиришни, омманинг дилида ғалабага кўпрок ишонч тиғдиришни ўрганиб олишди. Бинобарин, биз партиямизнинг кучлар тенг бўлмаган жангларда курашиб, ғалабага эришиш илмини зўр маҳорат билан ўргачиб олганлиги билан фахрланамиз.

Партиянинг энг яхши кучлари курашнинг энг хатарли ва энг масъулиятли участкаларига ташланди. Партиямиз Марказий Комитети аъзоларининг қарийб учдан бир қисми Улуғ Ватан уруши фронтларида бўлди. Район, шаҳар, область, ўлка партия комитетларининг, иттифоқдош республика партия Марказий Комитетларининг секретарлари Ҳаракатдаги армияга ва душманнинг орқа томонига юборилди.

1941 йилнинг охирига келиб, Қизил Армияда 1 миллион 300 минг коммунист бор эди. «Коммунистлар, олга!» деган шиор ҳар бир партия аъзоси ҳаёти ва фаолиятининг энг олий нормаси, қонуни бўлиб қолди. Партия фронтларда ўзининг уч миллион фарзандидан жудо бўлди. Уруш йилларида беш миллион совет кишиси партия сафларини тўлдирди. Минг-мингдаб совет жангчилари жангга ҳозирлик кўраб эканлар, ўзларининг партияга қабул қилинишларини сўраб эдилар, мардлик имтиҳонидан ўтиш улар учун кандидатлик стажини ўташ билан тенг бўлиб қолган эди.

Партия раҳбарлик қилган совет халқи Қуролли Кучларимиз енгилмас бўлиши учун ҳамма чораларни кўрди. Бизнинг Совет Армиямиз, унинг солдат ва матрослари, сержант ва старшиналари, унинг офицерлари, генераллари ва адмиралари эса халқимизнинг умид ва ишончини батамом оқладилар!

Улуғ Ватан уруши даврида фронтда ва фронт орқасида қаҳрамонлик кўрсатган кишиларнинг кўплари бутун дунёга маълум. Шу қаҳрамонлардан баъзиларини ўз полкдошлари ва ҳамюртлари биладилар. Аммо, ё жангда ҳалок бўлган, ёки ҳозир барҳаёт бўлиб меҳнат қилаётган яна миллион-миллион кишилар борки, уларнинг номлари кўпчиликка маълум эмас. Ана шу оддий ва камтарин кишилар мислсиз мардлик, жасурлик, ақли расолик, тадбиркорлик кўрсатдилар, ўлимдан кўрқмадилар, букилмас ирода билан ғалабага интилдилар. Билмадим, оламда чин инсоннинг ажойиб фазилатларини ифодалай оладиган қанча олижаноб сўзлар бор экан! Лекин солдат, ватанпарвар, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси бўлган совет кишиси ана шу олижаноб сўзларнинг ҳар бирига муносибдир!

Фашистларга қарши жангларда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун етти миллион совет жангчиси Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланди. 11 минг киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвонни олишга сазовор бўлди.

Александр Матросов, Николай Гастелло, Юрий Смирнов, Василий Зайцев, Александр Покрышкин, Иван Кожедуб, Алексей Маресьев ва бошқа кўпдан-кўп қаҳрамонларнинг ўлмас қаҳрамонликларини ким билмайди. Рейхстаг узра Ғалаба байроғини тиккан Михаил Егоров, Мелитон Кантария ва Константин Самсоновларнинг шарафли номлари кимга маълум эмас. Генерал Дмитрий Михайлович Карбишев, шоир Муса Жалил, Ватанимиз чегарасидан ташқаридаги антифашист қураш қаҳрамонлари Федор Политаев, Василий Порик, Меҳти Ҳусайнзодаларнинг номлари совет кишисига хос буқилмас ирода ва саботматонат намуна сифатида умрбод хотирамизда яшайди.

Оллида ёрқин ўтган ёвнинг жуда орқа томонида, ўт ҳалқаси қуршовида қолган қаҳрамон Брест қалъаси сурункасига бир неча ҳафта душман билан жанг қилишни давом эттира берди. Брест қалъасининг мудофааси — оммавий қаҳрамонлик, матонат ва мардликнинг ёрқин намунаси бўлиб, совет солдатининг баҳодирона кучини бутун дунёга кўрсатди. Мана шу ажойиб қаҳрамонлик хотирэси учун Брест қалъасига «Қаҳрамон қалъа» деган фахрий унвон бериш, унга Ленин ордени ва Олтин юлдуз медали топшириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Биз Брест қалъаси мудофаасининг ҳозир барҳаёт бўлган барча қатнашчиларини чин юрақдан табриклаймиз! Қалъанинг жангда ҳалок бўлган ҳимоячиларининг порлоқ хотираси асло сўнмасин!

Қаҳрамонларнинг фидокорона кураши совет кишиларидаги юксак маънавий матонат ва ватанпарварликнинг жонли тимсолидир. Уларга шон-шарафлар бўлсин, ўртоқлар!

Улуғ Ватан урушида қўшинларнинг барча турлари ва хиллари — шонли пиёда аскарларимиз, денгизчиларимиз, учувчиларимиз, танкчиларимиз, тўпчиларимиз, чегарачиларимиз, сапёрларимиз, алоқачиларимиз, разведкачиларимиз баб-баравар даражада юксак шоншавкат кўрсатдилар, уларнинг ҳаммалари чексиз ботирлик ва маҳорат билан жанг қилдилар. Уруш ўтида бунёдга келган Совет Гвардияси ўзининг жанговар ишлари билан мана шундай юксак номни олиш ҳуқуқига сазовор бўлди.

Уруш йилларида Совет Қуролли Кучлари сафларида неча ўн минглаб моҳир ва тажрибали ҳарбий бошлиқлар ўсиб етишди. Взвод ва роталарнинг, эскадрилья ва батареяларнинг, батальонлар, полклар, бригада ва дивизияларнинг командирлари ғалабанинг чинакам ижодкорлари эканликларини намойиш қилдилар.

Коммунистик партия ажойиб саркардаларнинг бутун бир плеядасини тарбиялаб етиштирди ва кўтарди. И. Х. Баграмян, А. М. Василевский, Н. Ф. Ватутин, К. А. Вершинин, Н. Н. Воронов, Л. А. Говоров, А. Г. Головко, С. Г. Горшков, А. А. Гречко, А. И. Еременко, Г. К. Жуков, М. В. Захаров, И. С. Исаков, И. С. Конев, Н. И. Крылов, Н. Г. Кузнецов, Р. Я. Малиновский, К. А. Мерецков, К. С. Москаленко, А. А. Новиков, Ф. С. Октябрьский, И. Е. Петров, М. М. Попов, К. К. Рокоссовский, В. Д. Соколовский, Ф. И. Толбухин, В. Ф. Трибуц, И. Д. Черняховский, В. И. Чуйков, Б. М. Шапошников, И. С. Юмашев ва бошқа шу каби кўпгина атоқли ҳарбий бошлиқларнинг номлари кўпчиликка маълумдир. Гражданлар уруши даврида-ёқ ном чиқарган С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, С. К. Тимошенко сингари «кекса гвардия» намояндалари ҳам душманга зарба беришни ташкил этишда актив қатнашдилар.

Ватан уруши давомида душманнинг кўп минг кишилик армиялари қуршаб олиниб, тор-мор келтирилганлиги, душманнинг орқа томонига чуқур кириб бориб қилинган ҳужумлар, ҳар хил турдаги қўшинларнинг ҳаракати бирбирига усталик билан мувофиқлаштириб турилганлиги ва улар бир-бири билан боғланиб ҳаракат қилганлиги шавкатли маршалларимиз, генералларимиз ва адмиралларимиз ҳарбий санъатининг мисли кўрилмаган намуналари бўлди.

Сиёсий ходимлар Совет Қуролли Кучларининг жони-дили эдилар. Улар жангчиларимизга партиямиз сўзини етказдилар, жангчиларимизни қаҳрамонона ва фидокорона курашга илҳомлантирдилар. Политрукдан тортиб Ҳарбий совет аъзосигача ҳамма сиёсий ходимлар вазият энг оғир бўлган жойларга бориб, жангчиларда қаҳқоний ишимизнинг тантанасига бўлган ишончни мустаҳкамладилар, уларни мардлик, довюраклик ва ботирлик руҳида тарбиялаб ардилар.

Энг оғир кунларда ҳам солдатларимиз юрагида душман устидан муқаррар ғалаба қозонамиз деган қатъий ишонч бор эди. Бизнинг Қизил Армиямиз Ғалабанинг шонли Байроғини Волгадан то Эльбагача кўтариб борди. Совет Қуролли Кучлари Ватанимиз шонш-шарафи ва мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолдилар, халқларни фашизм асоратидан халос қилдилар. Уларнинг кўрсатган жасорати асло унутилмайди!

Ғолиб совет солдатига шон-шарафлар бўлсин!

Қаҳрамон Совет Армиямизга шон-шарафлар бўлсин!

Душман босиб олган бутун территорияга ёйилган оммавий партизанлар ҳаракати совет ватанпарварлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Бир миллиондан ортиқ актив жангчи партизан отрядлари, қўшилмалари, яширин ташкилотларнинг сафларида туриб курашди. Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва, Латвия, Эстониядаги, Россия Федерациясининг Смоленск, Брянск, Орёл, Ленинград, Калинин ва бошқа бир қанча областларидаги кўпгина районларда партизанларнинг тилларда достон бўлиб қолган қўшилмалари қаҳрамонона курашдилар.

1812 йилги Ватан урушидаги ватанпарвар партизанларнинг шон-шавкатини тиклаб, 1941—1945 йиллардаги Ватан уруши мамлакатимиз тарихига Сидор Ковпак билан Константин Заслонов, Николай Кузнецов билан Вера Хоружеяларнинг, ўнлаб ва юзлаб подпольечиларнинг, партизан отрядлари командирларининг, совет разведкачиларининг номларини Денис Давидов ва Василиса Кожиналарнинг номлари билан ёнма-ён ёзиб қўйди. Партизанларнинг командирларидан Т. П. Бумажков, А. В. Герман, М. А. Гурьянов, В. И. Козлов, В. З. Корж, И. А. Козлов, М. И. Наумов, С. В. Руднев, А. Н. Сабуров, А. Ф. Федоров, М. Ф. Шмирев ўртоқларнинг ҳамда фашист босқинчиларга қаршилик кўрсатиш халқ ҳаракатида қатнашган кўпдан-кўп бошқа қаҳрамонларнинг тилларда достон бўлиб қолган номлари ҳеч қачон унутилмайди.

Ана шу қаҳрамонлар «Немис босқинчиларнинг босган изи оёғини чўғдек куйдирсин!» — деган даҳшатли шиорни ўз жанговар ишлари билан амалга оширдилар.

Фронтдан неча юз ва, ҳатто неча минг километр нарида, душманнинг орқа томонида гитлерчиларга қўрқинч ва даҳшат солган кишининг — эгнида оддий граждаплик кийими, бошида қизил лентали қулоқчини бўлган қаҳрамон партизаннинг сиймоси каска ва шинель кийган совет жангчисининг ёнидан абадий жой олиб қолди.

Халқ қаҳрамонлари бўлган партизанларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Ўртоқлар!

Фронтда фашизм устидан қозонилган ғалабага миллион-миллион совет ишчилари, деҳқонлари, интеллигенциясининг мамлакат ишларидаги ўзи бериб қилган меҳнати билан ҳам замин тайёрлаганди. Кураш натижаси фақат жанг майдонларида эмас, металл учун, ҳарбий техника учун, ғалла учун бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзган буюк жангда ҳам ҳал қилинди.

Жуда қисқа муддат ичида экономикани мудофаа манфаатларига тўла хизмат қилдириш зарур бўлиб қолган эди. Бу вазифани гитлерчи ғалалар мамлакат территориясига бостириб кирган энг оғир шароитларда ҳал этишга тўғри келди. Неча юзлаб йирик корхоналарни ва 10 миллиондан кўпроқ кишини Шарққа кўчиришни таъмин этган совет ишчилари, инженерлари, ишлаб чиқариш командирлари, темир йўлчиларининг жасоратига орадан йигирма йил ўтгач, ҳозир ҳам қойил қолмасдан бўлмайди. Аслини олганда, бутун бир индустриал мамлакат минглаб километр масофага кўчирилди. Уша нообод жойларда, кўпинча очиқ ҳавода машина ва станоклар темир йўл платформаларидан туширилиши билаток ишга солиб юборилди.

Халқимиз Урал, Поволжье, Сибирь, Узоқ Шарқ ишчилари, инженерлари ва техникларининг меҳнатда кўрсатган буюк жасоратини ҳамиша зўр миннатдорчилик билан эслаб юради. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма томонларида совет кишилари фидокорона меҳнат қилиб, шу билан душман устидан ғалаба қозонишлигини таъминладилар. Ғалаба учун зарур бўлган кўмир Кузбасс ва Қарағанда шахталарида чиқарилди. Манфур душманни тор-мор келтириш учун зарур бўлган пўлат Урал мартенларида эритилди.

Уралликлар, сибирликлар ва узоқ шарқликларнинг қилган қаҳрамонона меҳнатларига, уларнинг Қозоғистондаги, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларидаги қардошлари қилган меҳнат қўшилиб кетди. Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари кураш ва душман устидан ғалаба қозонишдек умумий ишга катта ҳисса қўшдилар.

Уруш йиллари мобайнида биз гитлерчиларга нисбатан қарийб икки баравар кўп ҳарбий техника ясаб чиқардик. Урушнинг тўрт йили мобайнида бизнинг саноатимиз карийб 490 минг тўп, 102 мингдан кўпроқ танк ва ўзиюрар тўп, 137 мингга яқин ҳарбий самолёт ясаб берди.

Бу рақамлар тилсиз ва жонсизга ўхшаб туюлди. Лекин уларда олам-олам маъно бор! Чунки шуларнинг ҳаммаси баъзан неча ойлаб цехлардан чиқмаган, станоклар ёнида ухлаган ва овқатланган, дам олиш кунлари ҳам ишлаган миллион-миллион ишчилар, техниклар, инженерларнинг қўли билан қилинди. Даҳшатли хавф-хатар тиғилган дамларда Ватанга меҳнати билан хизмат қилишни ўзининг гражданлик, ватанпарварлик бурчи, ўз қаётининг мақсади ва маъноси деб билган кишиларгина шу тахлитда ишлашлари мумкин эди. Совет касаба союзлари мамлакатимиз меҳнаткашларининг куч-ғайратларини душманни тор-мор келтириш учун сафарбар этишда катта роль ўйнади. Ишчилар синфининг уруш йилларидаги қаҳрамонона меҳнати мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар учун ўрнак бўлмоқда ва ўрнак бўла беради. Шавкатли ишчилар синфимизга шон ва шарафлар бўлсин!

Колхозчи деҳқонлар ишчилар синфи билан бир сафда туриб меҳнат қилдилар. Душман мамлакатимизнинг бой ва ҳосилдор ерларини босиб олган эди. У, халқимизни очдан ўлдирмоқчи эди. Лекин душман бунга эришолмади. Бу эса тамомила эркак ва аёл колхозчиларимиз, совхоз ходимларимиз, қишлоқдаги партия ташкилотларимизнинг хизматидир. Оғир уруш шароитида, ишчи кучи, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари мутлақо етишмай турган бир вазиятда улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан душманнинг қора ниятини пучга чиқардилар ҳамда армиямизни ва мамлакат ичкарисини озиқ-овқат билан таъминлаб турдилар.

Қишлоқ хўжалигимизнинг азамат меҳнаткашларига шон-шарафлар ва офаринлар бўлсин!

Бизнинг интеллигенциямиз фашизм устидан ғалаба қозониш ишига катта ҳисса қўшди. Интеллигенция вакиллари Қуролли Кучларимиз ва партизан отрядларининг сафларида туриб, жанглларда қатнашдилар, мамлакат ичкарисидаги энг масъулиятли соҳаларда меҳнат қилдилар.

Совет олимлари ва конструкторлари — С. В. Ильюшин, В. М. Петляков, А. Н. Туполев, А. И. Микоян, А. С. Яковлев, С. А. Лавочкин, В. Г. Грабин, В. А. Дегтярев, Ф. В. Токарев, Г. С. Шпагин, А. А. Морозов, Ж. Я. Котин, И. И. Иванов, Ф. Ф. Петров ўртоқлар мукаммал жанговар қуролларнинг, ҳарбий техниканинг, анжомларнинг намуналарини яратдилар. Бунинг натижасида совет жангчилари мақталган «пантера» ва «йўлбарс»лардан устун келган танкларни, учувчиларимизнинг осмонни ўзиники қилиб олишига имкон берган самолётларни, пиёда қўшинларимиз билан артиллериямизнинг муваффақиятли ҳаракат қилишини таъминлаган ҳамма калибрдаги аъло даражали ўқ отувчи қуроллар ва тўпларни олиб турдилар. Машҳур «катюша»ларнинг оловли гулдураклари гитлерчиларни қандай даҳшатга солганлигини уруш қатнашчилари яхши биладилар.

Совет маданиятининг арбоблари уруш йилларида халқнинг изза-ҳурматига сазовор бўлдилар. Ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, музикачилар, артистлар, кино ходимлари душман ҳужумининг дастлабки кунлариданоқ ўзларини сафарбар этилган ва хизматга чақирилган деб билдилар. Алексей Толстой, Михаил Шолохов ва Александр Фадеевнинг ватанпарварлик билан ёзган илҳомбахш мақолалари, Илья Эренбургнинг қиличдай ўткир публицистикаси, Николай Тихоновнинг қамалдаги Ленинградда ёзган тўлқинлантирувчи очерклари, Александр Корнейчукнинг пьесалари, Ванда Василевская, Леонид Леонов, Борис Горбатов, Леонид Соболев, Аркадий Гайдарнинг асарлари, Константин Симонов, Жамбул Жабоев, Максим Рильский, Петрусь Бровка, Алексей Сурков, Василий Лебедев-Кумач, Саломея Нерис, Самад Вурғуннинг шеърлари ҳамда Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар ёзувчилари ва шоирларининг асарлари, Кукриниксларнинг шафқатсиз карикатуралари, Шостаковичнинг симфониялари, Александров, Дунаевский, Соловьев-Седойнинг қўшиқлари, совет халқлари маданиятининг юзлаб ва минглаб шонли намояндаларининг бутун ижоди кишиларда босқинчиларга нисбатан нафрат алангасини ёндирди, уларни мардлик руҳида тарбиялади, кишиларда курашга интилиш иродасини тобладди. Маяковский ибораси билан айтганда, совет ёзувчисининг қалами найзага тенглаштирилди. Масалан, ғалабагача бўлган машққатли йўлни бошидан охиригача пиёда босиб ўтиш, ёқимли ҳазил-мутойиба ва аския билан жангчиларимизга далда бериш, руҳий матонат ва донишмандлик намунаси, халқ ҳаётининг ва халқ кучининг тимсоли бўлиб хизмат қилиш учун Александр Твардовскийнинг поэмаси саҳифаларидан жангчилар орасига кириб келган гвардиячи оддий аскар Василий Теркиннинг жанговар йўлини эслаш кифоя.

Совет интеллигенциямизга шон-шарафлар бўлсин!

Оғир уруш йилларида ажойиб мардлик кўрсатган совет хотин-қизларига икки букилиб таъзим қиламиз. Совет хотин-қизларимизнинг улуғвор руҳи ва букилмас иродаси, уларнинг садоқати, вафодорлиги, Ватанга муҳаббати, меҳнатдаги чексиз ғайрати ва фронтдаги қаҳрамонлиги ҳеч қачон уруш кунларида бўлганидек зўр куч билан намоён бўлган эмас эди. Қўлига милтиқ ушлаган, самолёт штурвали ёнида ўтирган жангчи аёлнинг сиймоси, елкасига погон таққан санитарка, ҳамшира ёки врачнинг сиймоси фидокорлик ва ватанпарварликнинг порлоқ намунаси сифатида хотирамизда яшай беради.

Хотин-қизлар ғалаба учун мамлакат ичкарисида нақадар кўп ишларни қилмадилар! Улар ўзлари учун ҳам, фронтга кетганлар учун ҳам ишладилар. Агар шундай тарози топилса-ю, унинг бир палласига солдатларимизнинг урушда кўрсатган жасоратини қўйиш, иккинчи палласига эса совет хотин-қизларининг меҳнатда кўрсатган жасоратини қўйиш мумкин бўлса, қаҳрамон совет хотин-қизлари уруш даҳшатидан чўчимай, ўз эрлари ва ўғиллари билан бир сафда тўрганлари каби ана шу тарозининг ҳар иккала палласи ҳам ҳойнаҳой бир-бирига теппа-тенг келган бўлур эди.

Азиз ўртоқлар! Мен шуни сизларга хурсандчилик билан мақтаниб қиламанки, совет хотин-қизларининг коммунистик қурилишдаги, Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанни ҳимоя қилишдаги ғоят катта хизматларини, уларнинг фронтдаги ва мамлакат ичкарисидаги қаҳрамонлиги ва фидокорлигини нишонлаш мақсадида, шунингдек хотин-қизларнинг халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ва тинчлик учун курашга катта ҳисса қўшаётганликларини тақдирлаб, партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартни СССРда дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида қарор чиқардилар.

Совет хотин-қизларимизга, азиз оналаримиз, умр йўлдошларимиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янгидан-янги катта муваффақиятлар тилашга рухсат этгайсиз!

Социалистик Ватанни ҳимоя қилишда бизнинг йигит ва қизларимиз, комсомолларимиз мардлик ва қаҳрамонликнинг жуда буюк намуналарини кўрсатишди. Ўша кунларда Ленин комсомоли Ватанга миллион-миллион содиқ жангчилар етказиб берди. Ана шу жангчилар ўлимдан сира қўрқмай, Ватанни дадил ҳимоя қилдилар. Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина, Краснодон ёш гвардиячилари, Саша Чекалин, Маншук Маметова, Мария Мельникайте ва бошқа шу каби кўплаб порлоқ, қаҳрамонона номлар Советлар Ватанига чексиз содиқликнинг абадий намунаси бўлиб хизмат қила беради.

Бизнинг совет ёшларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Ўртоқлар!

Улуғ Ватан урушининг бош қаҳрамони ҳақида гапирадиган бўлсак, мамлакатимизда яшаётган ва узилмас қардошлик иплари билан бир-бирига пайванд бўлган халқларнинг бутун аҳли оиласи ана шундай абадий барҳаёт қаҳрамондир. Руслар, украиналар, белоруслар, ўзбеклар, қозоқлар, грузинлар, озарбайжонлар, литваликлар, молдованлар, латишлар, қирғизлар, тожиклар, арманилар, туркманлар, эстонлар — хуллас Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг фарзандлари ўз Ватанини ҳимоя қилиш учун кўкракларини қалқон этдилар. Партиянинг ленинча миллий сиёсати уруш синовидан муваффақиятли ўтди. Фашизм социалистик миллатлар орасига раҳна солишга муваффақ бўла олмади. Социалистик миллатларнинг қардошларча иттифоқи ўз кучини ва ҳаётий қобилиятини кўрсатди, фашист босқинчилар устидан қозонилган ғалабанинг асосий манбаларидан бири бўлди. Халқларимизнинг бузилмас дўстлиги абадий яшасин, мустаҳкамлансин ва равнақ топа берсин!

Ўртоқлар!

Антифашист коалициядаги бошқа халклар ва мамлакатлар ҳам ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Людвик Свобода билан Богумир Ломский бошчилигидаги Чехословак ҳарбий қисмлари, Михаил Роля-Жимерский, Зигмунт Берлинг ва Мариян Спихальский бошчилигидаги поляк қўшинлари совет жангчилари билан ёнма-ён туриб жанг қилдилар. Қардош социалистик Монголиянинг умумий курашимизга кўрсатган ёрдамини биз яхши биламиз. Луи Дельфино қўмондонлигидаги «Нормандия—Неман» француз авиация қўшилмасининг муваффақиятли ҳаракатлари СССР билан Франция халқлари жанговар бирдамлигининг намунаси бўлди.

Словакиядаги машҳур қўзғолон билан Прагадаги қўзғолон, Польша пойтахти Варшавадаги қўзғолон, Болгария ва Руминиядаги қўзғолонлар фашизмга қарши олиб борилган кураш йилномасига шонли саҳифалар ёзиб қолдирди. Коммунистик партияларнинг Владислав Гомулка, Антонин Новотний, Тодор Живков, Янош Кадар, Георге Георгиу-Деж ўртоқлар сингари атоқли арбобларининг номлари Шарқий Европа халқлари олиб борган қаҳрамонона озодлик кураши билан чамбарчас боғлангандир.

Ўртоқ Иосип Броз Тито бошчилик қилган Югославия Халқ озодлик армияси бутун уруш мобайнида босқинчилар билан қаҳрамонона кураш олиб борди. Албания ва Греciядаги партизан армиялари гитлерчиларга қарши аёвсиз жанг қилди.

Болгар, румин, венгер, фин қўшинлари ҳам фашизмни тор-мор келтиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Франция, Италия, Норвегия, Дания, Бельгиядаги ва Ғарбий Европанинг фашистлар босиб олган бошқа мамлакатларидаги қаршилик кўрсатиш ҳаракати катта аҳамиятга эга бўлди. Бу — кенг кўламдаги умумдемократик ҳаракат бўлиб, унда коммунистлар антифашист, ватанпарвар кучларни жипслаштириб, етакчи роль ўйнадилар. Германиянинг ўзида ҳам немис халқининг энг яхши фарзандлари коммунистлар раҳбарлигида подпольe ва аёвсиз террор шароитида гитлерчиларга қарши қаттиқ кураш олиб бордилар.

Гитлерчилар босиб олган территорияларда, қаршилик кўрсатиш ҳаракати жангчиларининг сафларида, фашистларнинг зиндонлари ва қамоқ лагерларида коммунистлар фидокорлик, сабот-матонат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Антифашист кураш фронтининг Жак Дюкло, Вальдек Роше, Луижи Лонго, Эрнст Тельман, Макс Рейман ва бошқа кўп ўртоқлар сингари раҳбарларининг номларини халқлар яхши биладилар.

Халқаро

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

(Боши 2, 3-бетларда).

СССР халқ хўжалиги бир неча йил мобайнидаёқ асосан тиклаб олинди. 1948 йилдаёқ саноат ишлаб чиқаришининг урушдан олдинги даражасига етиб олинди. Бу, уруш оқибатлари тугатилганлигини билдирмас эди, албатта. Лекин совет халқи муҳим марраларни қўлга киритди ва урушдан олдинги миқёсдардан анча катта бўлган миқёсларда янада олга ҳаракат қилмоқ учун шарт-шароит вужудга келтирди.

Урушдан олдин ҳам Совет Иттифоқи қудратли индустриал давлат эди. Лекин жаҳон саноат маҳсулотида Совет Иттифоқининг ҳиссаси ўша вақтда ўндан бир қисмдан камроқ миқдорни ташкил қилар эди. Совет саноатининг маҳсулоти урушдан олдинги даражага нисбатан 7,3 баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда СССР жаҳон саноат маҳсулотининг қариб 20 процентини, яъни Англия, Франция ва Германия Федератив Республикаси бераётган жамиики саноат маҳсулотидан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқармоқда.

Саноат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш кўп марта ошиб кетди. СССРда 1940 йилда 14,9 миллион тонна чўян эритилган эди, ўтган йил эса 62,4 миллион тонна чўян эритиб берилди. Урушдан олдин 18,3 миллион тонна пўлат эритилган эди, 1964 йилда 85 миллион тонна пўлат эритиб берилди. Шу вақт ичида темир-руда қазиб чиқариш беш баравар, кўмир 3,3 баравар, нефть чиқариш етти баравар кўпайди. Синтетик материаллар ишлаб чиқариш кенг ривожлантирилди. Урушдан олдин табиий газ деярли ҳосил қилинмас эди. Ўтган йил биз 110 миллиард куб метр табиий газ олдик.

Саноат ишлаб чиқаришининг структураси жуда катта ўзгарди. Бутун халқ хўжалигини тараққий эттиришни таъминлаётган тармоқларнинг салмоғи кескин равишда ошди. Электрон-ҳисоблаш техникаси, олисдан туриб бошқариш системаси, технологик процессларни автоматик контроль қилиш ва тартибга солиб туриш методлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бутун социалистик хўжалигимизнинг техникаси тезлик билан янгиланмоқда.

Урушдан кейинги вақт ичида Совет Иттифоқида гигант электр станциялар қурилди. Ҳозир биз электр энергияни 1940 йилдагига қараганда қариб 10 баравар кўп ишлаб чиқармоқдамиз. Ҳозирги пайтда фақат бешта станциянинг ўзи — Волгадаги станция, Братск, Днепр бўйидаги ва Луганск станциялари урушдан олдинги ҳамма электр станцияларимизга қарагандa кўпроқ электр энергия ишлаб чиқармоқда. СССР атом электр станцияларининг ватани бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги урушдан кейин қандай оғир аҳволда қолганлигини ҳамма яхши билади. Қишлоқ хўжалигини техника билан янгидан таъминламоқ, вайрон қилинган колхозларни, совхозларни ва МТСларни тиклаб олмоқ, экин майдонларини анча кенгайтирмоқ, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун партия ва ҳукумат бирталай куч ва ғайрат сарфладилар. Деҳқончиликни ва чорвачиликни юксалтирмоқ учун колхозчилар, совхозларнинг ишчилари катта меҳнат сарфлашди.

Фан ва маданият соҳасидаги муваффақиятларимиз ғоят катта. Эндиликда буни ҳамма тан олмоқда. Мамлакат халқ хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 11 миллиондан кўпроқ мутахассис, 600 мингдан кўпроқ илмий ходим ишлаб турибди. Совет фани энг мураккаб проблемаларни муваффақиятли ҳал қилмоқда. У, ҳозирги замон илмий техника тараққиётининг ҳал қилувчи кўпгина соҳаларида олдинги позицияларни қўлга киритди. АҚШнинг атом соҳасидаги монополияси жуда қисқа муддатда тугатилди, қудратли атом саноати вужудга келтирилди. Ватанимиз фанининг космоси забт этишдаги қаҳрамонона жасорати асрлар бўйи асло унутилмайди. Совет кишиси биринчи бўлиб космик фазога кўтарилди. Одамнинг қандай қилиб космоса чиқиганлигига ва коинотнинг бепоён фазосида бемалол сузиб юрганлигига яқинда бутун дунё шоҳид бўлди. Бу одам ҳам совет кишиси эди.

Экономиканинг ўсганлиги партия ва ҳукуматнинг социалистик ишлаб чиқаришнинг асосий вазифасини — меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишни вазифасини янги асосда ҳал қилишига имкон берди. Халқ истеъмоли моллариии ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражадан тўрт баравардан зиёдроқ ошиб кетди. Иш ҳақини оширишга, текин ўқитишга ва аҳолининг ҳамма табақаларини пенсия билан таъминлашга, болалар муассасалари қуришга жуда катта маблағлар сарфланди.

Уй-жой танқислиги урушдан кейинги турмушимизнинг энг оғир проблемаси эди. Оккупация қилинган ва фронт бўйида бўлган территорияларнинг ўзидагина 25 миллион киши уй-жойсиз қолган эди. Ҳозирги кунда ҳам уй-жойга бўлган эҳтиёжимиз оз эмас. Лекин шу йиллар ичида жуда кўп ишлар қилинди. Бизнинг мамлакатимизда ҳеч қачон ҳозиргидек шу қадар кўп уй-жой бинолари қурилмаган эди. Урушдан кейин шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида 900 миллион квадрат метрга яқин уй-жой бинолари қурилди. Бу эса мамлакат шаҳарларида урушдан олдин бўлган уй-жой фондидан икки баравардан зиёдроқ ошиқдир. Қишлоқларда ўн миллиондан кўпроқ уй қурилди. Шаҳарларда ва қишлоқларда совет кишилари ҳаммаси бўлиб 33 миллион янги квартира олдилар. Партия Марказий Комитети уй-жой бинолари қуриш суръатларини бундан бўён ҳам ошира бериш керак деб ҳисоблайди.

Урушдан кейин ўтган йигирма йил ичида бизнинг ижтимоий ва давлат тузумимиз тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди ва янада ривожланди. Ишчилар, деҳқонлар, интеллигенциянинг бирлиги, Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги мустаҳкамланди. Меҳнаткашлар оммавий ташкилотларининг — советлар, касаба союзлари, комсомолнинг хўжалик ва давлат қурилиши масалаларини ҳал қилишдаги роли ошиб кетди. Коммунистик жамият қуриш учун Коммунистик партия раҳбарлигида халқнинг меҳнати билан моддий сиёсий ва идеологик шарт-шароит вужудга келтирилди.

Урушдан кейин хўжаликни тиклаш, мамлакатнинг ижтимоий ривожланишини давом эттириш мураккаб иш бўлди. Бу нарса Коммунистик партия олдига жуда катта вазифаларни қўйди. Бу шароитда партиянинг раҳбарлик роли кучая борди, социализм, коммунизм тақдири учун партиянинг масъулияти оша борди. Турмуш партиянинг сиёсий йўлини, унинг тўғри, сиёсий шиорларни топиб, ўз вақтида илгари сура билиш маҳоратини, унинг омма тажрибасини назарий жиҳатдан умумлаштириш. Йўл қўйилган хатоларни пайқаш ва бу хатоларни тузата билиш маҳоратини ҳар томонлама синовдан ўтказди.

Сиёсатдаги ва хўжаликка раҳбарлик қилишдаги субъективизмни, кибрланиш ва мақтанчоқлик кўринишларини бизнинг партиямиз Марказий Комитетининг (1964 йилги) октябрь ва ноябрь Пленумларида қатъиян коралади. Марказий Комитет партия ва халқнинг куч-ғайратини саноатимизни, қишлоқ хўжалигимизни, фан ва маданиятимизни, ишчи ва колхозчиларнинг, мамлакатимиздаги ҳамма меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини тўхтовсиз юксалтиришга йўналтирди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми шу проблемаларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу Пленум қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган чораларини ишлаб чиқди.

Партиянинг етакчи роли ва унинг кўра олиши, принципиаллиги ва жуда катта тажрибаси, халқнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётган сиёсий йўли унинг обрўйини тағин ҳам баланд кўтарди, халқ оммасини партия теварагида тағин ҳам маҳкам жипслаштирди.

Ўртоқлар!

Фашизм устидан қозонилган ғалаба шуни кўрсатдики, Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган революцион ўзгартиришларнинг қудратли оқимини орқага қайтара оладиган куч жаҳонда йўқ. Империализмнинг таянчи бўлган фашистлар Германияси тор-мор келтирилганлиги жаҳоннинг урушдан кейинги ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб берди. Бу ғалаба Ғарб ва Шарқдаги бир қанча мамлакатларда капитализмни ҳалокатга олиб келган янги қудратли революцион кўтарилишни бошлаб берди. Бу ғалаба жаҳон сиёсати, экономикаси, идеологиясида, миллионмиллион одамларнинг онгида чуқур ўзгаришлар бўлишига асос солди.

Урушдан кейин жаҳон социалистик системаси вужудга келди, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат ўсиб кетди, миллий озодлик революциялари кўтарилди, халқларнинг тинчлик учун, жаҳон термоядро уруши хавфига қарши кураши авж олди.

Фашизмга қарши олиб борилган кураш ва фашизмнинг тор-мор келтирилганлиги социалистик революцияларнинг қудратли тўлқинини қўзғатиб юборди. Урушдан олдин фақат икки давлат — СССР билан Монголия Халқ Республикаси — қуриб келган социализм ўз уфқларини жуда кенгайтириб юборди. Озодлик бўрони кўп мамлакатларда реакцион режимларни ер юзидан супириб ташлади ва социализмнинг ғалабасига олиб келди. Албания, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия меҳнаткашлари капитализмни абадий тугатдилар. Социалистик революция Осиёни ларзага келтирди — буюк Хитой кўп асрлик социал ва миллий зулм қиҳанларини парчалаб ташлади, ҳозир социализм қурмоқда. Вьетнам Демократик Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси халқлари социализм биносини қийин шароитда қурмоқдалар. Кубанинг қаҳрамон халқи ўз ерида янги социалистик жамиятни жуда зўр ғайрат-шижоат билан барпо қилмоқда. Синфдош қардошларимиз, қардош қардошларимиз социализм байроғини баланд кўтариб бормоқдалар.

Буржуа идеологлари, социализм ер юзида тасодифий меҳмон, деган хом хаёл билан ўзларига таскин бериб келар эдилар. Тарих ўзи хоҳлаган ишни қилди. Социалистик тузум хўжайин бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг қонуний натижаси бўлиб қарор топмоқда.

Жаҳон социалистик системаси бутун дунё меҳнаткашлари озодлик курашининг ривожланишига, халқаро муносабатларга тобора зўр таъсир ўтказмоқда. У, янги жаҳон урушини бошлаб юбориш, халқларни асоратга солиш каби империалистик планларнинг амалга оширилиши йўлида асосий тўсиқ бўлиб турибди.

Нигирма йил мобайнида капитализм мамлакатларидаги ишчилар синфи жиддий муваффақиятларга эришди. Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Япониядаги қудратли синфий жанглар, кенг забастовка ҳаракати империалистик давлатларнинг ҳукмрон доираларини меҳнаткашлар оммасига бир мунча ён беришга мажбур қилди ва империализмга ҳужумни давом эттирмоқ, унинг агрессив режаларини барбод этмоқ учун шарт-шароит вужудга келтирмоқда.

Халқларнинг озодлик кураши ҳамма қитъаларга ёйилди. Меҳнаткашлар революцион курашининг тарихида миллий озодлик ҳаракати ҳеч қачон шу қадар кенг қулоч ёзмаган, ҳеч қачон шу қадар тез суръатлар билан ривожланмаган эди. Осиё, Африка, Лотин Америкаси халқларининг қақшатқич зарбаларидан қудратли мустамлакачи империялар тилка-пора бўлди. Ҳанузгача мустамлакачилар ҳукмрон бўлиб турган жойлардаги халқлар қул қилувчиларга қарши ўз озодликлари ва мустақилликлари учун баҳодирона, фидокорона кураш олиб бормоқдалар.

Империализмга қарши кураш давомида 60 дан кўпроқ ёш суверен давлат вужудга келди. Социализм идеялари озодликка эришган халқларнинг онгига тобора кўпроқ сингиб бормоқда! Африка ва Осиёдаги кўпгина давлатлар социалистик ўзгаришлар қилиш йўлига тушиб олмоқдалар. Шу мамлакатларнинг халқлари фақат социализм меҳнаткашларни қашшоқлик, очлик ва эксплуатациядан қутқариши мумкинлигини кўриб турибдилар. Коммунистлар революцион кураш ва социал ўзгаришлар ясашнинг авангарди, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар тарихий ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб келмоқдалар. Улар мазлум халқ оммасининг манфаатлари учун энг дадил ва фидокор курашчи бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Коммунистик партиялар империализмга қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик учун олиб борган мардонавор курашлари туфайли шундай юксак эътибор қозондилар.

Коммунистларнинг қариб 50 миллион кишилик буюк армияси жуда кўпчилик мамлакатларда ўз отрядларига эга. Кўпгина Коммунистик партиялар оммавий партиялар бўлиб қолдилар. Миллионмиллион кишилар улар кетидан бормоқда. Биз, совет коммунистлари, ҳозирги замоннинг энг революцион ва энг прогрессив ҳаракати бўлган мана шу жаҳоншумул коммунистлар армиясига мансуб бўлганлигимиз билан фахрланамиз.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг кучи ва енгилмаслиги шундаки, у марксизм-ленинизмнинг улуғ байроғига содиқ бўлиб келмоқда. Бу жанговар байроқни баланд кўтариб бориш, жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслигини, барча революцион кучларнинг бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш — барча коммунистларнинг муқаддас бурчидир. Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, партиямизнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин бизга шундай деб таълим берган, бизга шуни васият қилиб қолдирган эди.

Ҳозир коммунизм — энг нуфузли сиёсий кучдир. У одамларга чинакам эркинлик ва тенглик, қардошлик ва тинчлик келтирмоқда. Ҳозирги жаҳонни коммунистларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, коммунистларсиз олдинга ҳаракат қилиб бўлмайди, тараққиёт бўлмайди. Келажак коммунизмники!

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ САБОҚЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ХАЛҚАРО ВАЗИЯТ

Ўртоқлар!

Совет кишилари ва ҳамма мамлакатларнинг халқлари ҳам фашизм устидан қозонилган улуғ ғалабанинг йигирма йиллигини нишонлаб, ўтган урушдаги воқеаларни, унинг сабоқларини яна бир марта мушоҳада қилиб кўрмоқдалар.

Табиийки, ўша урушга ўхшаш яна ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч ким ҳеч бир ҳеч бир ҳеч бир

ҚАҲРАМОНЛИК ШУҲРАТИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Ватанпарварлар фронт сари йўл олдилар...
С. Гурари фотоси.

ОБЕЛИСК

(Прагадаги Ўртоқлар мозорида Ўрта Осиёлик 125 жангчининг қабри ҳам бор).

Олислардан кўринади азим тош,
Қараганинг кўзларида қайноқ ёш,
Жанг йилларн пайдо бўлар ҳар дилда,
Хоҳи аёл, хоҳи қари, хоҳи ёш
Пойгоҳида тўхтаб унга эгар бош.
Саодати учун жангда жон берган,
Баланд мармар тошга виқор, тус берган,
Унга мардлик чин инсоний ҳис берган,
Завол бўлмас қаҳрамонлар шуҳрати
Бу тош ҳайкал умрини олис берган,
Баланд, мармар тошга виқор тус берган.
Олтин шаҳар Праганинг шавкати,
Озодлиги, меҳнат аҳлнн давлати,
Қаҳрамонлар сўнмас шону шуҳрати,
Олтин шаҳар Праганинг шавкати.
Мардлар ухлар она элга шон бериб,
Прагада, бор гулларга жон бериб,
Кенг жаҳонга тинчлик берган бу мардлар
Етишибди бир тану, бир жон бўлиб,
Етишибди она элга шон бериб.
Бу хайкалга қараб тот ҳикмат тузи,
Яна бир бор эсла оталар сўзи:
Тириклар ўликнинг кўзин ёпсалар,
Ўликлар очади тириклар кўзин,
Бу ҳайкалга қараб тот ҳикмат тузи.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.
Прага 1964 йил.

ЖАСОРАТ

Хотира сўзлайди. Хотира Улуғ Ватан урушининг шиддатли ва шафқатсиз воқеаларини ёдга келтиради. Совет халқининг фашизмга қарши олиб борган қаҳрамонона курашн, бу урушда қўлга киритган оламшумул-тарихий ғалабаси хотираси, тарихнинг абадий сўнмас машъал саҳифаси бўлиб, СССР халқларининг, бутун дунё меҳнаткашларининг эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу уруш икки дунё ўртасидаги улуғ синовга ва энг оғир жангоҳга айланди.

Урушни эсласак дастлаб 1941 йилнинг 22 июнь — якшанба куни ёдга келади. Бепоён, гўзал диёримиз меҳнаткашлари ўша кунн дам олиш оромида эдн.

Лекин бу эл оромини бузишга пайт пойлаган душман чегарада изғиб юрган экан. У тонг-саҳарда ҳиёнаткорлик билан қонли қўлини эл бошига кўтарди. Чегарани қўққисдан ўққа тутиб, муқаддас она-Ватан тупроғига ифлос оёқларини қўйди.

Халқ муқаддас урушга қўзғалди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган жанговар шнор ўртага ташланди. Европадаги бир қанча мамлакатларни босиб олиб, катта уруш тажрибасига эга бўлган, тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашист қўшинларига қарши ҳаёт-мамот жанги бошланиб кетди. Қора денгиздан Оқ денгизга қадар чўзилган олис жанг йўлларида инсон қони селдай оқарди, ажал оташлари бир минут ҳам тинмасди. Миллион-миллион кишилар шинель кийиб, жанг қилар эдилар. Бир томонда жаҳон ҳокимлигини ҳаёл этган фашист газандалар турса, бир томонда ўз эркини, юртини, Октябрь қуёшини ҳимоя қилишга отланган халқ турар эди. Совет баҳодирларининг жанг майдонларидаги мислсиз қаҳрамонликлари, душманни таҳликага солди, олам элларини қойил қолдирди.

Зоя Космодемьянская, Лизз Чайкина, «Ёш гвардия» қаҳрамонлари, Александр Матросов, Тўйчи Эрйигитов, Николай Гастелло каби неча ўнг минглаб матонатли совет фарзандлари она-Ватанимиз учун, йўлбошчи Коммунистик партиямиз, доҳимиз улуғ Ленининнинг сўнмас ғоялари учун, озодлик қуёшининг абадул-абад порлаб турнши учун мисли кўрилмаган жасорат кўрсатдилар, совет кишисининг улкан қалбини, ўз номларини абадий шон-шуҳрат билан қопладилар.

Польшада, Марев дарёсини кечиб ўтиш учун бўлган шиддатли жанглар асло эсимдан чиқмайди, мен мото-ўқчи батальон командирининг ўринбосари бўлиб хизмат қилардим. Бизнинг батальонимиз, шунингдек қўшни батальонлар ҳам дарёни кечиб ўтиш учун жанг бошлаб юбордилар. Дарёнинг нариги соҳили бўйлаб фашистлар жойлашиб олишган. Улар мустаҳкам истеҳкомларига ишониб, қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар.

Дарёни кечаётган жангчиларимиз ўққа тутилиб, олдинга силжиш қийинлашиб қолди. Шу вақт гвардиячи капитан Мамасоли Жабборовнинг қотма, нихчам гавдаси қайиқ устида кўринди ва унинг:

— Азаматлар, нимага тўхтаб қолдик, ахир биялар сталинградликлар-ку?! — деган хитоби янграб эшитилди.

Қирғоқда турган жангчилар ўзларининг севимли командирлари билан бирга жангга кириб кетдилар. Дарё кечиб нариги қирғоққа ўтилди.

Дарё ўт ичида ёнарди, икки соҳил худди зил-зилада қолгандай тебраниб, чайқалиб турарди. Батальон командири Мамасоли Жабборов жангларда тобланган шерюрак баҳодирларни жангга бошлаб борди ва муҳим ғалабани қўлга киритди. Нарев дарёсидан кейинги жанг йўлларида сув тўсғи йўқ эди. Йўл Пруссияни ўнгда қолдирнб, тўппа-тўғри Болтиқ денгизига олиб чиқарди.

Шу сабабли гитлерчилар Нарев дарёси учун бўлган жангга жуда кўп қўшин ташлади. Бу ерда икки ҳафтага яқин кечаю-кундуз жанг тўхтамади. Дарёнинг нариги соҳилида плацдарм эгаллаган жангчиларимиз ҳар куни фашистларнинг ўнлаб атакаларини қайтариб турдилар ва ўзлари қарши атакага ўтдилар. Ана шундай атакаларнинг биринда командир Мамасоли Жабборов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уни дарё бўйнга, дарахтзор орасига дафн этдик. Тўшини ғарбга қаратиб, қабр устига танк қўйдик.

Мамасоли танкчи корпусдаги мото-ўқчи батальон командири эди. Бу батальон улуғ Волга соҳилларидан Польша ери-даги Нарев қирғоқларнгача бўлган йўлларни жанглар билан ўтиб келди. Сталинград қаҳрамони Польша тупроғида ҳалок бўлди. Озодлик қуёшининг ҳамиша порлаб турнши учун мисли кўрилмаган жасорат кўрсатган Мамасоли Жабборовнинг номи ўчмайди.

Белоруссия ўрмонларида гитлерчиларнинг боплаб адабини берган бағдодли йигит Мамадали Топиболдиевни бутун мамлакат танийди. Урушнинг дастлабки кунларида қуршовда қолган жангчилар кўпсонли душманга қарши қаттиқ жанг қиладилар. Лекин душман кўп қурбон бериб, қаршилик кўрсатаётган жангчиларимизни қуршаб олишга ва уларни йўқ қилишга кўп уринниб кўради. Ўқ-қуроллари тамом бўлган ва душман қуршовидан чиқиб кета олмаган жангчиларимиз душман ичида турнб жангни давом эттиришга қасамёд этадилар. Улар қалин дарахтзорлар орасидан йўл топиб, ўрмон ичкарисига кириб кетадилар ва партизанлар группасини тузадилар.

Мамадали Топиболдиев гитлерчиларнинг шундоққина тумшуғининг тагида яшаб, уларга даҳшат келтиради. Ўзи командир бўлган кичик партизан группаси билан гитлерчиларнинг поездларини қулатади, ҳарбий базаларини яксон этади. Колонналарни қийратади, орқадан зарба бериб, душман тинкасини қуритади. Душман уни изларшга ва қўлга туширишга кўп куч сарф қилади, лекин душман кучларининг ҳаммаси Мамадали ва унинг шериклари қўлидан жаҳаннамга йўл оладилар.

Мамадали ана шундай жанг қилади, хўрланган ва ўтда ёндирилган белорус халқи учун, унинг шаҳар-қишлоқлари учун гитлерчилардан шафқатсиз қасос олади. Мамадалининг жанговар хизмати, мислсиз қаҳрамонлиги белорус партизанлари, белорус халқи орасида достон бўлади. Белорус халқи уни ўз фарзанди деб билади, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлигига тавсия этилган етти баҳодир партизан рўйхатнининг бошига Мамадалининг исмини ёзиб қўядилар. Шундай қилиб ўзбек фарзанди Мамадали туғилиб ўсган гўзал Фарғонанинг Зодиён қишлоғига Совет Иттифоқининг Қаҳрамони бўлиб қайтди. У 21 йилдан буён ўз қишлоғидаги гигант колхознинг раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Мамадалини бутун Ватан билади. Унга ҳамма ердан, айниқса, Белоруссиядан кўп хатлар келади. Яқинда Белоруссиянинг Толочин районидан хат келди. Хатни собиқ бир группа партизанлар ёзибдилар. Хатда мана бундай дейилган:

«Қимматли Мамадали, белорус халқи, айниқса Толочин аҳолиси сени ҳеч қачон эсидан чиқармайди, сени, ажойиб жанговар партизан биродарнни зўр ҳурмат билан эслайди. Сен Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида белорус халқи билан биргаликда немис босқинчиларини яксон этдинг, ҳамма вақт жангда мислсиз жасорат ва мардлик кўрсатдинг. Улуғ ғалабамизни қўлга киритишга ўзингни унутилмас жанговар ҳиссангни қўшдинг. Шунинг учун белорус халқи сени яхши сўз билан эслайди ва сени ўз ўғли деб билади. Сени ғалаба байрами билан табриклаймиз. Ўзингга, оилангга ва фарзандларингга сиҳат-саломатлик, коллектив хўжалик ишида эса янги муваффақиятлар тилаймиз».

Бу хат Белоруссия ўрмонларидан келди. Бу хатни ёзганлар бир вақтлар Мамадали билан биргаликда гитлерчиларга қарши жанг қилган баҳодир партизанлардир. Улар ҳозир қардош белорус диёрида коммунистик қурилишнинг актив қурувчилари бўлиб ишламоқдалар.

Мамадали бу хатга жавоб ёзиб юборди. Хат билан бирга унинг қалби ҳам, ҳаёли ҳам Белоруссияга дўстларни улуғ ғалаба билан табриклашга кетди.

Хотира эслайди, хотира сўзлайди. Уруш йилларини унутмоқ мумкин эмас. Уруш йилларини эслар эканмиз, халқимиз буюк жасоратини кўз олдимизга келтирамиз, баҳодир қўшинларимизнинг мислсиз қаҳрамонликларини ифтихор билан эслаймиз.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, запасдаги офицер.

1945 йил. Ғалабанинг Ленинград салюти.
А. Броцкий фотоси.

ГЕНЕРАЛ РАҲИМОВ

Куни кеча матбуотда Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши кураш фронтларида қўмондонликнинг жанговар топшириқларини намунали адо этганликлари ва бунда жасурлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Совет Армиясининг бир группа генераллари, офицерлари, сержантлари ва солдатларига вафотларидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги олий фармон эълон қилинди. Ҳукуматимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлганлар орасида ўзбек халкининг жасур фарзанди генерал-майор марҳум Собир Раҳимовнинг ҳам табаррук номи бор. Бу хушхабар Улуғ Ватан урушида душман устидан қозонилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшган ўзбек халкини жуда хурсанд қилди.

...Кўп йиллик ўқиш ва амалий машқлар натижасида командирлик санъатини пухта эгаллаб олган Собир Раҳимов Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ армия генерали И. Е. Петров командирлик килган кисм составида фронтга кетади. Биз биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг номини тилга олар эканмиз. Улуғ Ватан урушининг шонли саҳифалари кўз олдимиздан бирма-бир ўтади.

Собир Раҳимов хизмат қилган полк 1941 йилнинг июль ойи бошларинн тор-мор келтиришда ва Гданьск шаҳари ҳамда қалъаси учун бўлган оғир жангларда қатнашди.

Генерал Раҳимов командирлик килган шавкатли дивизия икки марта Қизил байроқ ордени билан, Суворов ва Кутузов орденлари билан мукофотланди.

Гвардиячи генерал-майор Собир Раҳимовнинг ўзи немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда моҳирлик билан раҳбарлик килгани учун иккинчи даража Суворов ордени, тўрт марта Жанговар Қизил Байроқ ордени, «Қизил-Юлдуз» ордени ва «Кавказ мудофаси учун» медали билан тақдирланди.

Генерал Раҳимов шавкатли Совет Армияси гитлерчилар армиясини батамом тор-мор келтираётганда, Совет Армияси Берлин дарвозалари ёнида турган маҳалда Гданьск (Данциг)ни штурм қилиш вактида жанговар вазифасини бажараётган пайтда қаҳрамонларча халок бўлди.

...1945 йил 26 март куни худди соат 15 да, Раҳимовнинг халок бўлгани тўғрисида штабга совуқ хабар келади. Генерал — полковник Батов бунга ишонмайди. У, ҳалокат рўй берган жойга, Данциг маҳаласи ҳал этилаётган майдонга етиб боради.

Генерал-полковник йўлда борар экан, бир жангчи йигитнв учратди. У нимагадир ёш болалардек йиғлаб борарди. Генерал уни ярадор бўлса керак, деб ўйлади.

— Тўхта, ўртоқ жангчи, тўхта! — деди у. Солдат генерални танигач, хўнграб йиғлаб юборди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради Батов.

— Генералимиз халок бўлди! Командиримиз оламдан ўтди...

Генерал-полковник бошини экканича халокат юз берган ва жанглар бўлаётган томонга борди.

Жангчилар ўз саркардалари билан сўнгги марта видолашгач Данцигга ҳужум бошлашади. Гвардиячиларнинг дахшатли ҳужумига душман бардош беролмади. Штурмнинг биринчи соатиёқ ғалаба келтирди. Гвардиячилар душманининг сон-саноқсиз ўликларини ерда қолдириб шаҳарга кирдилар — Данциг таслим бўлди.

Гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган оламшумул ғалабамизга Генерал Раҳимов ҳам ўзининг содиқ фарзандлик, мард саркардалик қиссасини қўшди. Шунинг учун ҳам буюк Ғалабамизнинг 20 йиллиги нишонланаётган шу улуғ айём кунларида она-Ватан учун жонини фидо қилган минглаб баҳодирлар қатори ўзбек халкининг асл фарзанди Собир Раҳимовнинг номи ҳам зўр ҳурмат билан тилга олинмоқда.

Адҳам РАҲМАТ,

Жангчилар М. Егоров ва М. Кантария рейхстаг устига ғалаба байроғини тикмоқдалар.
А. Морозов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

АЛЕКСАНДР НЕВСКИЙ ОРДЕНИ КАВАЛЕРИ

Қорасув анҳори лабида баланд бўйли, кенг яғринли, бир киши турибди. У атрофни кузатади, нималар тўғрисида ўйлаётганикин?

Ниёзмат ака Улуғ Ватан уруши йилларида миллионлар қатори ўт юраклилик, жасорат, баҳодирлик намуналарини кўрсатганлардан. Унинг жангномасини варақлайдиган бўлсак, ажойиб саҳифалар очилади.

Биз сизларга Ниёзмат Нишонбоев жангномасининг икки саҳифаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

1943 йилнинг куз ойлари. Замбаракларнинг гумбур-гумбури, автоматларнинг душманга даҳшат солувчи чўзиқ овози тез-тез эшитилади. Окопларда ва пистирмалардаги жангчилар сергак. Душман ҳужуми баҳодирлик билан қайтарнб турилибди. Фашистлар талвасаланиб, уст-устига ҳужумга ўтадилар. Шу пайт старший лейтенант Ниёзмат Нишонбоев баҳодир йигитлар томон ўгирилиб:

— Ҳужумга тайёрланинг, мен билан олга! — дея хитоб қилади.

Жангчиларимиз душманга шердек ташланадилар. Қўл жанги бошланиб кетади. Фашистлар бирин-кетин ер тишлайди. Душманлар Нишонбоев бўлинмаси жангчиларининг оташи ҳужумига бардош бераолмай чекинадилар.

Эртаси куни чекинган душман янги куч тўплаб, навбатдаги ҳужумга тайёрланаётганлигини разведкамиз маълум қилади. Бўлим командири Нишонбоев қисмига фашистларга қарши ҳужумга ўтишни ва «тил» олиб келишни буюради, Нишонбоевнинг йигитлари командир топширигини шараф билан бажариш учун душманнинг биқинида пайдо бўладилар ва айланиб ўтиб, орқа томондан ҳужум қиладилар. Саросимага тушган фашистлар ўзларинч йўқотиб қўйиб, дуч келган томонга тумтарақай қочадилар. Шу жангда Ниёзмат ярадор бўлади.

Қўрқмаслик, баҳодирлик намуналарини кўрсатгани ва командирнинг жанговар топширигини шараф билан бажаргани учун Ниёзмат Нишонбоевга Қизил Байроқ ордени берилади.

1945 йил. Февраль ойи. Ниёзмат Нишонбоев хизмат қилаётган икки марта Қизил байроқли ва Богдан Хмельницкий орденли Сум ва Киев полкининг жангчиларига Чехословакиянинг стратегия жиҳатидан муҳим, экономикаси катта аҳамиятга эга бўлган Муровский ороллари шаҳарини фашистлардан озод қилиш топширилган эди. Бош қўмондон Муровский ороллари шаҳарининг шимоли-ғарбидан ҳужум қилишни Нишонбоев қисмига топширди. Улар Польша — Германия чегараси ўртасидаги темирйўлни эгаллаш учун уч кун қаттиқ жанг қилдилар.

Темирйўл душман билан бизнинг қўшинларимиз ўртасида уч марта қўлдан-қўлга ўтди. Нишонбоев хизмат қилган полкнинг разведка командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони лейтенант Никитин шу жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Нишонбоев бошлиқ батальонга темирйўлни ишғол этиш ва қаҳрамон Никитиннинг жасадини олиб чиқиш топширилди. Нишонбоев бошлиқ жангчилар Никитин жасадини олиб чиқиб, темирйўлни ишғол этдилар.

1945 йил 30 апрель воқеаси Ниёзмат аканинг сира эсидан чиқмайди. Шу кунн у командир бўлган батальонга Одер дарёсига қурилган ва Одерга ғарби-шимолдан поезд ўтадиган кўприкни ишғол қилиш вазифаси топширилди. Совет қўшинларининг кўприк ёнида пайдо бўлганини сезиб қолган фашистлар уларга қарши бир пиёда полкини ҳужумга ташлайдилар. Уларни тўртта танкетка қўллаб-қувватлаб туради. Қўшинларимиз оз сонли бўлишларига қарамай, фашистлар галасини баҳодирлик билан тўхтатиб турадилар. Аҳвол минут сайин мушкуллашиб борарди. Шу пайт Ниёзмат Нишонбоев дивизия командири билан рация орқали гаплашади. У дивизия командиридан гвардиячи катюша дивизияси ёрдам берсин деб, кўмак сўрайди. Орадан кўп ўтмай катюшаларимизнинг снарядлари душман устида ўт ёмғири бўлиб ёғилади. Душманнинг ҳужум қилиб келаётган аскарлари тутдек тўкилади. Катюшанинг иккинчи зарбидан кейин уларнинг танкеткаларн ўт ичида қолиб кетади.

Нишонбоев батальонининг аскарлари Муровский ороллари шаҳарига биринчи бўлиб кириб борадилар. Шаҳар фашистлардан тозаланади.

Қўмондонлик Муровский ороллари шаҳри учун бўлган қонли жангда қаҳрамонлик кўрсатганлиги ва душман қўшинларини муваффақиятли даф этганлиги учун батальон командири Ниёзмат Нишонбоевни Александр Невский ордени билан мукофотлади.

* * *

Улуғ Ватан урушнни Прагада тамомлаган ва ўз юртига эсон-омон қайтиб келган Ниёзмат Нишонбоев билан унинг қадрдон қишлоғи Янгибозорда, Қорасув қирғоғида гаплашиб турибмиз. У сув оқимига тикилиб:

— Уруш тугагандан бери қанча-қанча сувлар оқиб ўтди, одамларимиз жуда яхши ҳаёт кечирмоқдалар. Энди уруш бўлмасин. Бола-чақаларимиз, бутун авлодимиз соғ-омон яшасин, — деди.

Ҳа, урушнинг бети қурсин.

С. МАҲКАМОВ.



МЕҲНАТ ФРОНТИДА

ИШЧИЛАР ВА КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ДАВРИДАГИ МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ

Совет халқининг 1941 йилнинг 22 июнь дам олиш куни қувончли кайфиятнни фашист Германиясининг Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирганлиги ҳақидаги радио хабари бузиб юборди. Фронтлардаги аҳвол ҳақида Информбюро маълумотлари совет кишиларини, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашларини ташвишлантирарди. Деярли ҳамма меҳнатга яроқли ишчилар, колхозчилар фронтга кетаётган эди.

Совет Иттифоқи халқлари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ягона бир мақсад — душманга қақшатгич зарба бериб фашизмни тезроқ яксон қилиш ўйи билан яшарди. Республикамизнинг кўплаб ишчилари ва колхозчилари кўнгилли равишда фронтга отландилар. Ишчилар, инженерлар, колхозчилар — корхоналар ва колхоз далаларида қолган кишиларнинг ҳаммаси оғир синов кунларида қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Бу меҳнат билан фашизмни батамом яксон қилиш соатини яқинлаштиришни ўйлардилар.

Фарҳод ГЭС қурувчилари қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатишди. Астойдил ишлаш туфайли айрим коллективлар ишда ажойиб натижаларни қўлга киритдилар. 1943 йилнинг биринчи ярим йилида 21 та район қурилишда белгиланган йиллик планни бажарди. Самарқанд областнинг Зомин ва Форниш районлари, Андижон областнинг Избосган районн эса йиллик планни тўрт ойда ўрнилатди. Юқсак ишлаб чиқариш кўрсаткичи ва қурилишда эришган катта муваффақиятлари учун айрим бригада ва районларга «Фарходстрой»нинг гвардиячи бригадаси», «Фарходстрой»нинг гвардиячи районн» номлари, бу бригадалар ва районлар составидаги колхозчиларга эса «Фарҳод гидроэлектростанциясн гвардиячи қурувчиси» номи берилди.

Фарҳод ГЭСининг кўпгина қурувчилари ишлаб чиқаришда мислсиз натижа кўрсатдилар. И. Туробовнинг йиллик ўртача кўрсаткичи 1943 йил 407 процентни ташкил қилди. У Ленин ордени билан тақдирланди. А. Қосимов жасорат кўрсатиб ишлаб йил давомида ўртача 424 процент кўрсаткичга эришди. У уч марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Самарқанд областидан қурилишга келган Қодирполвон Мирзаев йиллик топшириқни ўртача 660 процент қилиб бажарди, айрим ойларда эса унинг кўрсаткичи ҳатто 1200 процентгача етди. Ўртоқ Мирзаев Ўзбекистон ССР Олий Совети Фахрий ёрлиғи билан икки марта тақдирланди.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ватанпарварлиги ҳам юксак бўлган. Уй бекаси бўлиб келган аёллар урушнинг дастлабки кунларидаёқ эрлари ва акаларининг касбларини ўрганишга киришдилар. Юзлаб, минглаб хотин-қизлар яғни, мураккаб касбларни эгаллай бошладилар. Тошкент темирйўлида урушнинг дастлабки ойларида уй ишлари билан шуғулланиб келган 1327 та хотин-қиз қўплаб касбларни ўргана бошлади. Ўқишни тугатганлар орасида 15 машинист ёрдамчиси, 21 слесарь, 39 станочник, 38 водокачка машинисти, 240 стрелкачи ва бошқалар бор эди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам ўзларининг бутун кучларини шонли Қизил Армияга душманни яксон қилишда ҳар томонлама ёрдам беришга қаратдилар. Колхозчилар ва совхоз ишчилари фронт ва фронт орқасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мамлакат мудофаси учун муҳим бўлган пахтани етказиб бериш учун тарих ҳали билмаган қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Тошкент область колхозчилари урушнинг биринчи йили мамлакатга тезроқ пахта етказиб бериш учун курашиб, планни жуда қисқа муддатларда — 1940 йилдагидан 45 кун олдин бажардилар. Айрим колхозчилар пахта теримида ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Чиноз районидаги М. Горький номли колхоз теримчиси Иброхимова 1941 йили 18350 килограмм пахта териб берди. Мирзачўл районидаги Фрунзе номли колхознинг теримчиси Абдурахмон Султонов 48 кунда 22 тонна пахта терди.

Колхозчи аёллар фронтга кетган эркакларнинг касби — тракторчиликни эгалладилар.

Ўзбекистон колхозчилари уруш йиллари галла майдонларини анча кенгайтирдилар, сабзавот-полиз экинлари ҳам кўплаб етиштирилди, яғни экин — қанд лавлаги экила бошланди. Ўзбекистон колхозчилари 1945 йили давлатга 1940 йилдагидан 9300 пуд кўп дон, 1123 минг пуд кўп сабзавот етиштириб бердилар.

Ишчилар ва колхозчиларнинг мана шундай қаҳрамонона меҳнати билан совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси яқинлаштирилди.

И. АЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг директори.

СОВЕТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

ЗУЛАЙХО ВА АРИНА

1941 йилнинг июнь ойи. Ўзбекистонлик Зулайхо Қодирова Украинада ёзги меҳнат отпускасини ўтказаётган эди. Тўсатдан бошланган уруш унинг осойишта тинч ҳаёт ва ижодий меҳнат тўғрисидаги орзуларига тўсиқ бўлиб қолди. У Украиналик хотин-қизлар каторида асир олиниб Германияга жўнатилди. Шундан сўнг қамоқларда, концлагерларда сарсонлик-саргардонлик йиллари бошланди. Ана шу йилларда у инсоний қиёфасини йўқотган гитлерчиларнинг қийноқ ва азоб ўчоқларида бўлди, уларнинг вахшийликларини ўз кўзи билан кўрди. Шу билан бир вақтда у совет кишиларининг бир-бирларига бўлган меҳр-шафқати ва одамийлигини ҳам чуқур ҳис қилди. Биз қуйида ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган воқеа унинг хотирасидан асло чиқмайди.

* * *

Эшик тараклаб очилиб икки гестапочи озгингина бир қизни одамлар билан лиқ тўла камерага улоқтирди. Қопқора қуюқ қон унинг лабидан яноғига томиб турарди. Унинг корачадан келган чеҳрасидан қамоқдагилар бу қизнинг осиёлик эканлигини дарҳол билиб олишди.

Зулайхо кўзини очиб тепасида энгашиб турган бир аёлни кўрди. У Зулайхонинг қон талашиб турган пешонасига хўлланган латта босиб, сочларини аста силаб ўтирарди.

Шу-шу Зулайхо билан Арина дўстлашиб қолишди. Аринанинг кичик қизи ҳам у билан бирга эди. Бу аёл бошқа кишиларнинг ҳам чуқур ҳурматига сазовор эканлигини Зулайхо кундан-кунга яхшироқ тушуниб борди. Осойишта, мулойим сўз, бошига кулфат тушган кишиларнинг ҳаммасига бирдек юмшоқ муомалада бўлган Арина бир дақиқа ҳам тинмай-тинчимасди. Ҳар бир кишининг дилидагини топиб гапирар, руҳини кўтарар эди.

Силаспиль қамоқ лагерига жўнатишганида ҳам улар иккаласи доимо бирга бўлди. Лагерда Аринанинг қизи Леночкани онасидан ажратиб олишди. Ота-оналаридан ажратиб олинган болалар қамоқ лагерининг бошқа бир бурчагида яшашарди. Улар ҳафталаб ва ойлаб ўз валидаларини кўра олмас, жигар-пораларининг овозларини эшитмас эдилар. Кичик-кичик ўғил ва қизларининг йиғилари ҳам оналарнинг қулоғига бориб етмасди.

Бир куни Аринанинг 9-баракка пол ювишга чақириб қолишди. Бу жойга ҳам ёш болаларни келтиришни фашистлар мўлжаллаб қўйган эди. Комендант болаларни қабул қилиб олишни Зулайхога топширди. Зулайхо Аринанинг шу баракда ишда қолишга кўндирди. Арина ҳам шунчалик тез ва чаққон ишлар эдики, комендант уни узоқ кузатиб кейин: «сен бу ерда ишлашга қоласан», деб буйруқ қилди.

...Болаларни тунда келтиришди. Ифлос, жулдир кийимга ўралган, оч-ялангоч эди улар. Ҳамма томондан рус болаларининг «мама», украин ва латиш болаларининг, «мамо», «мамине» деган фарёди эшитиларди. Гитлерчилар болаларга эртагача, лагерь комендантининг рухсатисиз овқат беришдан бош тортишди. Шунда тутқунлар ўзлари яшириб қўйган қора нон бурдаларини болаларга беришди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас Арина болалар турган жойга икки корзинада нон бурдаларини келтирди. Болаларнинг йиғиси тиниб, атрофга жимлик чўкди. Улар бирин-кетин бурдаларга қўл узатишди. Тўрт ёшлар чамасидаги бир бола қўлида ушлаб турган нон бурдаларини тўсатдан ерга тушириб юборди. У дарҳол ифлос полга тиз чўкди, коронғуда қўллари билан пайпаслаб, нон ушоқларини кидира бошлади. Сўнгра битта-битта оғзига солди. Кейин бўш қолган корзиналарга кўз тикиб, секин-секин йиғлай бошлади.

Эртаси тонгда тунда келтирилган 700 болани ҳаммом томон ҳайдаб кетишди. Тутқунлар уларни кўтариб олиб, бағриларига маҳкам босиб, овутмоқчи бўлишар, болалар эса «Амаки, жон амаки, мени немисларга берманг, қутқаринг» деб ёлборишарди.

Орадан бироз вақт ўтди. Арина ҳар куни баракка ҳориган ва ғамгин ҳолда кириб келарди. Бир куни Зулайхо буни сезиб, «сенга нима бўлди, Аринушка» деб сўради. Арина эса кўзларини ерга қадаб жим турарди. У секин тахтага ўтирди. Кейин бирдан даҳшат тўла кўзларини Зулайхога тикиб гап бошлади:

— Биласанми, мен ҳудди дўзоҳнинг ўзида бўлдим. Йўқ, йўқ, бу дўзоҳдан ҳам баттар. Ҳолдан тойган, очликдан касалликка дучор бўлган кичик-кичик болалар... кўпчилиги, айниқса эмизикли болалар сутсиз, дори-дармонсиз нобуд бўлаяпти. Биз уч кун қаторасига баракдан уларнинг жасадларини олиб чиқиб, ёғоч яшикларга солдик, кейин устма-уст қилиб, ўрага кўмдик. Фашистлар ўлимга маҳкум этилган лекин хали тирик қолган болаларни ҳам баракдан олиб чиқишди. Кейин немис профессори келди. Врачлар қизамиқ касали билан оғир ётган болаларни бир жойга тўплаб, қизамиқни бошқа соғлом болаларга ҳам укол ёрдамида юқтиришди. Бечора болаларни кўрсанг эди, Зулайхо. Ҳаммасининг оёқ-қўли, юзлари шишиб кетган. Бошлари яра-чақа. Врачлар бўлса ҳамон уларнинг температурасини ўлчашар, касалликнинг ривожланишини кузатишар, у ёки бу бола яна қанча соатдан кейин ҳалок бўлишини олдиндан белгилашарди...

Зулайхо дугонасининг ҳикоясини тинглар экан, ўзини тутиб туролмай йиғлаб юборди. Арина бўлса жимгина ўтирар, лекин ҳаяжонланиб тез-тез нафас оларди.

...Эртасига Арина Яремчукни комендант олдига чақиришди. Кейин у қайтиб келмади. «Тажриба »ўтказаётган немис врачларига «қўполлик қилгани учун» уни ҳалок қилишди.

* * *

Ҳар гал шу воқеани эслаганида Зулайхо Қодирова беихтиёр кўзига ёш олади. Йўқ, буни унутиш мумкин эмас!

Ҳозир Зулайхо Қодирова Янгийўл гидролиз заводида кимёгар инженер бўлиб ишлайди. У ҳали эллик ёшга тўлмаган бўлса ҳам анча кекса кўринади. Юзларини чуқур ажинлар босган, сочлари бевақт оқарган бу аёлнинг иродаси олдида беихтиёр бош эгасан киши.

Р. СОБИТОВ.
Янгийўл шаҳри

1943 йил. Ана шу йили Совет Армияси қисмлари Киев шаҳрини озод қилдилар. Суратларда: (чапда) ўша вақтдаги Украина пойтахтининг Крешчатик кўчаси қиёфаси. (Ўнгда) Крешчатик кўчасининг ҳозирги кўриниши. (Пастда) Коммунистик партия душман вақтинча ишғол қилган территорияда кишиларни курашга сафарбар этди, партизан отрядлари тузиб, уларга раҳбарлик қилди. Ана шундай партизан ҳаракатларидан бирига бошчилик қилган Пинск область яширин партия комитетининг секретари С. Г. Войцехович Хворостово қишлоғи аҳолиси билан суҳбатлашмоқда.

М. Мельник фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

МАШИНА МУБОРАК

Тошкент шаҳар социал таъминот бўлими Ғалаба байрами куни арафасида Улуғ Ватан уруши инвалидларидан бир группасини хурсанд қилди. Уларга «Запорожец» енгил машиналари тантанали вазиятда топширилди.

Биринчи бўлиб енгил машинани Ватан уруши қатнашчиси, иккинчи группа инвалиди Анна Степановна Фомина олди. Бу аёл Улуғ Ватан урушида фельдшерлик қилган. Ҳозир эса қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтида бош кутубхоначи бўлиб ишлайди. Шунингдек, инженер-конструктор, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, III-группа инвалиди Яков Фаерман, «Ўзбекбирлашув» бошқармаси техника ва ташкилий бўлимининг бош инструктори, II-группа инвалиди Собир Расулевларга ҳам машиналар берилди.

Ватан уруши инвалидлари ўзларига кўрсатилган олий ҳиммат учун партия ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилик билдирдилар.

Н. ОМОНОВА.

ҲАЛОСКОР

Бир ойдирки, Муталнинг тинчлиги йўқолган. «Қўлимдан бир иш келади. Меникик дипломим бор. Районимизда ҳозир врачлар озмас. Мен кетсам дўстларим ўрнимни билдиришмайди. Фронтга бизга ўхшаганлар жуда ҳам зарур. Ахир ҳар куни юзлаб, минглаб жангчи майиб бўлаётгандир. Ватан учун, халқ учун жон бераётгандир. Врачлар улгуришаётганминан уларни даволашга», ўйларди Мутал. Ахир бўлмади. Кўнгиллилар қатори фронтга отланди.

Жанг майдонида у даҳшатли манзараларни кўрди. Қўл-оёғи яралланган жангчилар, қонга беланган одамлар. Улар ҳаётн хавф остида. Дарҳол ёрдам кўрсатмасанг ўлим ўз чангалига олади уларни. Мутал Ҳошимов енг шимариб ишга киришди. 3-Прибалтика, 1-Украина, Ленинград фронтларида хизмат қила бошлади. Бу ерда у 953-полкнинг 245-ўқчи дивизиясида медицина-санитария батальони командири сифатида юзлаб, минглаб жангчилар ҳаётини сақлаб қолди.

Мутал Ҳошимов жангчиларга қайта ҳаёт бағишлаш ниятида Старая Русь шаҳридан Франкельштейн шаҳригача бўлган йўлни босиб ўтди. Буюк ғалабани шу ерда эшитиб, ич-ичидан қувониб кетди. Мана энди жангчилар ҳалоскори Мутал ака ўша қонли кунларни бир-бир эсга олаяпти. Немис фашистлари инсон бошига солган кулфатларини ўз кўзи билан кўрди у.

Урушдан кейин ҳам Мутал Ҳошимов инсон саломатлигини сақлашга отланди. У ҳозир Тошкентдаги 1-юқумлик касалликлар шифохонасида бош врач бўлиб ишлаб келаяпти. Унинг кўнсида Улуғ Ватан уруши йилларида нўрсатган хизматларини нўз-нўз қилаётган Қизил Юлдуз, иккинчи даражали Шуҳрат орденлари ва икки «Жасурлик учун» медаллари порлаб турибди. Моҳир врач СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги «Аълочи врач» значогининг ҳам эгасидир.

С. СУЛТОНОВ.

ҲАМШИРАЛАР

Республикамизнинг кекса корхоналаридан бири Октябрь революцияси номли заводда Улуғ Ватан урушида оловли йўлларни босиб ўтган, эндиликда эса фронтдаги қаҳрамонлигига меҳнат қаҳрамонлигини улаб ишлаётган кишилар оз эмас. Жумладан заводда Людмила Духовскаяни яхши танишади.

Уруш йилларида фронтда ҳамшира бўлиб хизмат қилган эди у. Жанг майдонларида неча ўнлаб солдатларни олиб чиққан, уларни якин орадаги лазарет ёки госпиталь томон судраб, меҳрибон докторнинг қўлига топширган ёки бўлмаса, ўзи ҳам олижаноб касбини бир нафас унутиб, қўлида қурол билан олишган ҳамширалар тўғрисида кўп ўқигансиз. Жангчилар яралланган вақтда уларга дастлабки медицина ёрдами кўрсатиб, атрофида парвона бўлган касалхона ёки госпиталда туну кун улар ёнидан кетмай даволаган, ўз қадрдон кишилари билан муомала қилгандик ширин сўзларини аямаган ҳам ана шу ҳамширалар. Людмила ҳам худди ана шундай, ҳамшира эди. Унинг жасорати муносиб тақдирланди, Сталинград ва Гомель остоналаридаги жангларда ва бошқа бир қанча жойларда оддий ҳамшира бўлиб ишлаган Людмила иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан, «Сталинград мудофааси учун», «Германия устидан ғалаба учун» медаллари билан мукофотланди.

Пўлат қуювчилар цехининг ишчилари бошқа бир меҳнатсевар аёл Мария Ивановна Саратовани ҳам ғоят ҳурмат қилишади.

Фашистлар унинг онасини, укасини ўлдиришди. Бу тўғрида хабар келгач, Марияннинг душманга бўлган нафрати янада ортди. Шундан сўнг у фронтда ҳарбий ҳамширалик қилди. Ана шу оддий ва шарафли вазифани аъло даражада бажаришга, ярадорлар дардига шифо топишга ҳаракат қилди.

Шу кунларда биз номини тилга олган бу икки ҳамшира тинч ижодий меҳнат билан машғул. Ана шундай ижодий меҳнат ва осойишта турмушни ҳимоя қилишганди улар уруш йилларида.

Ю. БАҲОДИРОВ.

ДОВЮРАК ЗЕНИТЧИ

Уруш бошланганида Маҳмуд Абдураимов Ватан олдидаги ўз бурчини ўтаётан эди. Ҳарбий хизмат тугаёзган бир пайтда машъум хабар тарқалди: гитлерчилар Германияси совет халқини қул қилишга қасд қилибди. Кишиларнинг қалби изтиробга тушди, душманга нафрати қўзиди. Ҳамма бир жон-бир тан бўлиб Ватан ҳимоясига отланди.

Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Маҳмуд хизмат қилаётган 732-зенит артиллерияси полки жангчилари ҳам фашизмга қарши курашда ўз ўринларини эгалладилар. Улар зиммасига Ростовдаги қишлоқ хўжалик машинасозлик заводини фашист самолётларидан ҳимоя қилиш вазифаси топширилди. Зенитчилар ҳар доим ўз постларида сергак бўлиб туришди. Душман «қора қарғаси» тунни мўлжаллаб айёрлик билан учишлар уюштирар, шаҳар атрофидаги посёлкалар устига бомбалар ёғдирар эди. Зенитчилар бўш келишмади. Душман самолётлари бир чеккадан ер тишлайверди.

Армиямиз ҳужумга ўтгач, душман ини минг танга бўлиб кетди. Краснодар, Ростов, Таганрог, Тула, Қрим шаҳарлари душман чангалидан халос бўлди. Зенитчилар душман самолётларига зарбалар бериб Қора денгиз соҳилларига кириб келишди. 732-зенитчилар полки Қора денгиз соҳилидаги аэродромни ҳимоя қилишга киришди. Бизнинг самолётлар зенитчилар ҳимояси остида душман устига томон учишлар уюштирар, улар техникасига ва армиясига кўплаб талофат етказиб, яна омон-эсон шу аэродромга келиб қўнарди.

...Теварак атрофга тун ўз чодирини ёпган. Денгиз томондан совуқ шамол эсиб турибди. Жангчиларнинг уйқусиз кўзлари сузилади. Атроф жим-жит. Шу пайт аллақаёқдан ғўнгиллаган овоз қулоққа чалиниб қолди. Сержант Сергей Акимичев дарҳол пайқади, душман самолётн келаяпти.

— Абдураимов зенитни шайланг. Икки самолёт биз томонга учиб келаяпти. Нишонга олишни бошланг, — буйруқ берди командир.

Маҳмуд зенит стволини самолётга томон тўғрилади. Самолёт учишда давом этаяпти. Ана у зенитчи кузлаган нуқтага етди. Кнопкалар босилди. Биринчи самолёт, ундан кейин иккинчи самолёт қўкда портлаб ерга томон чархпалак бўлди. Зенитчининг бу моҳирлиги «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди.

Бундай воқеалар мерган зенитчи Маҳмуд Абдураимов ҳаётида ўнлаб рўй берган. Беш йил давомида у неча-неча шаҳарлардан ўтиб Берлин остонасигача етиб борди. Ғалабага муносиб ҳисса қўшиб, ўз она юрти — Ўзбекистонга, корхонаси — Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводига қайтиб келди. Ҳозир у вагон цехида слесарлар коммунистик меҳнат бригадасига бошчилик қилаяпти. У раҳбарлик қилаётган коллектив буюк ғалабанинг 20 йиллик куннини меҳнатда улкан ғалабаларни қўлга киритган ҳолда кутиб олди. Бригада аъзолари бугунги айёмда ўз ҳамкасблари — собиқ жангчи Маҳмуд Абдураимовни чин қалбдан қутламоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ВОЛГАДАН БЕРЛИНГАЧА

Бригаданинг дала шийпони. Соя-салқин дарахтлар билан ўралган баҳаво ер. Чор атроф кафтдек кўзга ташланиб туради. Шийпоннинг шундоққина ёнбағридан яхлит «ок олтин» далалари бошланади. Пайкал этагида универсал щўх гуриллайди. Бериқари картада эса, гўзларга сув таралмоқда.

Ипга тизгандек тўғри олинган жўяклар сизни олга бошлайди. Тупроққа эзгу ният билан қадалган ҳар бир уруг беҳато униб чиққан. Аниқ яшил квадратлар букети эгатларни гулдасталардек безаб турибди. Ниҳолларнинг авжи яхши. Бригада деҳқонлари мўл ҳосилни кўзлаб далада жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишаяпти. Ҳар туп ниҳол уларнинг меҳрига қониб ўсяпти. Экинга вақтида ишлов, вақтида ўғит ва сув берилаяпти. Барча дала ишлари зиммага олинган юксак мажбуриятга яраша агротехника қоидалари асосида тўғри ва пухта ташкил этилаяпти.

...Бригада бошлиғи Раҳмон Каримбеков бироз ҳордиқ олиш учун шийпонга кўтарилди. Радионинг кулоғини буради. Дикторнинг таниш овози янгради. Қайси бир қаҳрамон ҳақида эшиттириш бериларди. «Уруш. Қанча-қанча бегунох кишиларнинг бошига етди у. Лаънати фашист халқлар бошига не-не кулфатлар солмади».

Радиодан ора-чора эшитилиб турган гулдирос, портлаш садолари оғир жанг-жадал йилларини унинг эсига солди. Кўп ўтирмади шийпонда. Ўрнидан турди, суви шилдираб оқаётган ариқ ёқалаб илгари юрди. Чеҳраси жиддий, қадам ташлаши вазмин. Чуқур ҳаёлга чўмиб боради. Раҳмон ака нималарни ўйлайди? Кимларни хотирлайди?

Раҳмон ака эсга оладиган, у унутиб юбора олмайдиган воқеалар, қалбидан умрбод жой олган якин кишилар кўп. Уларни унутиб бўлади дейсизми. Она-Ватан ҳимояси учун неча йиллар ёвуз душманга қарши елкама-елка туриб, жон бериб жон олишган қуролдош дўстларини ким ҳам унута олади. Жанга бирга кириб қаҳрамонона ҳалок бўлган қадрдон кишиларни эслаш қанчалар оғир. Уларнинг сиймоси Раҳмон ака сингари кишиларнинг хотирасида доим сақланмоқда.

...Якинлаб келаётган трактор-нинг гуруллаши Раҳмон акага танклар шовқинини эсга солди. У душман танклари билан жуда кўп марта рўбаро келган. Қисмдаги жангчилар билан бирга ликда фашист газандаларининг талай ҳарбий техникасини сафдан чиқаришда мардлик ва юксак жасорат кўрсатди.

— Мен Армия сафига чақирилган йил оғир пайт эди, деб эслайди Раҳмон ака. — Жонажон қишлоғим «Дўрмон»ни ташлаб, фронтга жўнадим. Манзилга етилгач, мени алоқачиликка тайинлашди. Тезда бу вазифани пухта ўзлаштириб олдим. Фронтнинг олдинги линияларида алоқачилик қилиб, жангчиларимиз ва қисмларимизнинг олга тез ҳаракат қилишларига ёрдам берабошладим.

Раҳмон Каримбеков узоқ уруш йўлини босиб ўтди. Волга соҳилидан то Берлингача 1, 2, 3-Украина фронтларида қаҳрамонона жанг қилди, Варшава, Прага, Берлин ва бошқа шаҳарларни гитлерчи босқинчилардан озод қилишда қатнашди. Жангларда мардлик ва жасурлик кўрсатгани учун у қўш «Шуҳрат» ордени, саккизта медаль, шунингдек Варшава, Прага ва Берлинни озод қилиш учун медаллари билан мукофотланди.

Раҳмон Каримбеков 1947 йилгача Берлинда ҳарбий хизматни давом эттирди. Сўнг она қишлоғи Дўрмонга қайтди. Тинч, завқли меҳнат уни ўз қучоғига олди. Р. Каримбеков «Қизил Ўзбекистон» колхозига чиқиб ишлайбошлади. Ўшандан буён йигирма йилча вақт ўтди. Миришкор деҳқон Раҳмон Каримбеков ҳозир колхознинг илғор пахтачилик бригадаларидан бирига бошчилик қиляпти. У бошлик бригада пахтакорлари бу йил катта маррани кўзлашаяпти. Маррали 130 гектардан 40 центнердан «ок олтин».

...Раҳмон ака ёнидан ҳозиргина ўтиб кетган трактор ортидан узоқ қараб қолди. «Мана бизнинг «танк ларимиз», тинч меҳнат қуролимиз, биз деҳқонларнинг катта маддакори», ҳаёлидан ўтказди бригадир. Ҳа, тинч меҳнат-ҳузур, ҳаловат. Ана шуларни ўйларкан серҳосил ям-яшил дала-боғлар янада дилбар, сокин, хушҳаво ва қишлоқ ҳаёти жуда фарогатли кўринарди унинг кўзига.

Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ.
Оржоникидзе райони.

ЗИЁРАТ

Ўтган йили Прагага боришга тўғри келди. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам бу шаҳарда бўлган эдим; аммо отставкадаги гвардиячи майор, жанговар дўстим Маҳмуджон Зуфаров таъриф қилган шаҳидлар қабристонини кўрмаган эдим. Чунки у вақтларда бундай қабристон йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Пиллар ўтиб, жангу-жадал урушдан кейин мана бугун яна чех пойтахти — Прагадаман. Жўнашимдан олдин Маҳмуджон менга баъзи бир нарсаларни ҳикоя қилиб берган эди. Шаҳар марказидаги «Озодлик» майдони учун бўлган курашларни, жон олиб жон берган жангчиларни номаном тилга олган эди:

— Дўстим, биз, совет жангчилари Прагани гитлерчи босқинчилардан озод қилиш учун ҳеч нарсани, ҳаттоки, жонимизни ҳам аямаганмиз. Мен Тошкентимни қанчалик севсам, Прагани шунчалик яхши кўраман. Бинобарин, у ерга боргач, мен учун ва ҳаммамиз учун муқаддас бўлган бу шаҳарнинг тош-деворларини, хонадон ва уй эгаларини бирма-бир кириб тўпиб қўй. Салом айт! Гумбазларни осмон билан ўпишган биноларни тўпиб қилиб кўзларингга сурт. Айниқса, Прага қабристонини, шаҳидлар мозорини кириб кўр. Албатта зиёрат қил, у ерда ёр-биродарларимиз, — ҳамшаҳарларимиз дафн қилинган.

Маҳмуджон Зуфаровни яхши биламан. Ёшлигидаям у шунақа сўзамол, гапга уста эди. Улуғ Ватан уруши унинг бу сифатига яна бир фазилат қўшибди. Прагага келгач, у агитатор бўлиб хизмат қилган Кантимировка танк корпуси жангчилари кўрсатган маҳоратни эшитиб қойил қолдим. Дарвоқе, прагаликларнинг гапларига қараганда улар кантимировчиларни арслонлар деб аташади. Ҳа, балки бу бўрттириб айтилган гапдир. Зотан бу ердаги ҳолат шуни тақозо қилади. Чунки бу ерда гап чех халқининг бундан кейинги тақдири, озодлиги ҳақида боради. Ғалаба озмунча қийинчиликлар билан қўлга киритилмаган. Буни мен шу тонда ўз кўзларим билан кўриб турибман. Бу ерда. Прагани штурм қилиш вақтидаги жанглар да ҳалок бўлган Совет Армияси жангчиларининг қабрлари турибди. Қабристон тахминан минг квадратметрдан ортиқ жойни эгаллаган. Унда архитектура ва ландшафтнинг маҳорати чиройли табиий манзаралар билан мужассам, кенг ҳажмдаги композицион бир бутунликни ташкил этади. Қабристонга кираверишда рус ва чех тилларида «Чехословакиянинг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон шарафлар бўлсин» деб ёзилган. Улар кимлар? Оппоқ мармар тошларга тилла зарҳаллар билан ёзилган менга таниш, Маҳмуджон айтган номларни ёзиб олдим.

— Мухтор Вали Мажидов, старшина, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Мажид Юнусов, Сафарбоев, Саид Маҳамад Аҳмедов, Сара Еқубов, Нўлдош Нажимов, Абдулла Боев, Абдулла Ашрабов, Қурбон Шарипов, Аббос Афзалович Иброҳимов, Маҳамад Алиев, Имомберди Нагаримов, Ранса Фатхутдинова, И. О. Қосимов ва ҳоказо...

Бу номлар кўзларимизга яққол ташланиб, барқ уриб турарди:

* * *

Бугун, мана шу илиқ, гулчеҳра муборак ғалаба кунида жанговар ўртоқларимнинг босиб ўтган даҳшатли уруш йўлини эслашга тўғри келди. Дарҳақиқат уруш ҳаммамизнинг қалбимиздан ларза солиб ўтди. Уни унутишга ҳаққимиз йўқ. Бундан йигирма йил муқаддам худди бугунгидай, олмалар қизғиш гуллаган, шафтолилар барикарам тусга кирган, табиат ўз жароҳатларини тузатиб, кул ва тутун ичидан қайта яшариб чиқаётган бир хуш айём — ғалаба куни эди.

Гитлерчилар қароргоҳи Берлин мағлуб бўлган, оқ байроқ кўтарган, Москва радиосидан Левитаннинг музаффариятимиз тўғрисидаги жарангдор овози янграб эшитилган, шаҳарларимиз устида салютлар ёнган бир кун эди. Ҳа, биз бу кунларга поёндозлардан юриб келганимиз йўқ. Унга жангоҳлар ичидан чекиниб ва чекинтириб жуда оғир йўл босиб етишдик. Ғалаба бизга қимматга тушди. Ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир завод фабрика, электростанция, ҳар бир колхоз ва кўча-кўй учун жон бериб, жон олдик. Энг яқинларимиздан, жигаргўшаларимиздан айрилдик. Ана, шунинг учун ҳам ғалаба биз учун азиз ва мукаррам.

Энди, бундан йигирма йил аввалги ғолиблларнинг жасоратларини таърифлар эканмиз ҳозир фарзандларимизнинг мўъжизалари тўғрисида гапирмай бўладими, улар қаерда? Нима қилаётирлар? Улар Болтиқ денгизидан Курил силсилларигача, совуқ Муз океанидан Афғонистонинг жазирама сарҳатларигача, совет кишисининг қалби тепиб турган ҳамма жойда ўқиб, ишлаб ҳаётнинг, тинчликнинг нашу-намосини сурмоқда. Қўриқда янги ер очаётганлар, Бекободда металл эритаётганлар, Памирда харсангларни ўшатиб йўл қилаётганлар, Сибирда дарахт кесаётганлар, уммонларда балиқ овлаётганлар ана шулар жумласидандир.

Ҳатто, кечаги гвардиячи майор Маҳмуджон Зуфаровнинг иссиқ дийдорини энди урушда эмас, уни Тошкентда, Ўзбекистон илмий-техника информацияси ва пропаганда институтида кўрасиз. У билан бирга Прагадаги дарёларни кечувда қаҳрамонлик мўъжизасини кўрсатган лейтенантлар ҳам худди у каби энда ядро физикаси проблемаларини ҳал қилаётирлар. Разведкаларга бориб «тил» тутиб келган сержантлар ҳозир Ҳисор, Чоткол Туркистон тизмалари қўйнидан маъдан қидираяптилар, геология-разведка ишларини олиб бормоқдалар. Ҳа, уларнинг ҳаммасини санаб, айтиб, ёзиб тугатиш қийин.

Чунки улар бизга куррамизнинг фазода қай тарзда кўринишини, атом реакторининг режими қандайлигини, электрон ҳисоблаш машинасидан қандай фойдаланиш лозимлигини ёрқин фактлари билан гапириб бермоқдалар. Уларга, ўз фарзандларига ана шундай мўъжизалар кўрсатиш ҳуқуқини содиқ совет интеллигенти, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари жангу-жадалларда олиб берган. Гарчи, бу оталар йигирма йил кексайган, сочларининг оқи кўпайган бўлсада авлод-аждодлари, набира-чевараларни билан бу ҳуқуқни ҳимоя қилишга тайёрлар, уларнинг жўшқин қалблари ёш, улуғ ғалабамизнинг сўнмас ҳарорати билан яшайди. Улар коммунизмдан умидворлар ва унинг мунаввар юзини албатта кўражаклар! Шунинг учун ҳам улар баъзан океан ортидан Пентагон урушқоқларининг дағдағаларини эшитиб ғазабга келадилар:

— Жаноблар! Уруш сабоқларини, Берлиннинг таслим бўлишини унутманглар! Жаҳоншумул ғалаба кунимиз — 9 Майни унутманглар! — дейдилар.

Мана, Прага, шаҳидлар қабристонини зиёрат қилиб, гулдасталар қўяр эканман, ҳазрати Навоийнинг «Дононинг сўзи, ғолибнинг номи дунёда асли ўчмайди» деган таъбирларини эсга олдим.

Мумтоз МУҲАМЕДОВ.

Қаҳрамонларнинг нишон тўла кўкракларида юлдузлар чарақлаб турибди. Бу марди-майдонлар Ватан бошига оғир мусибат тушган дамларда фронтга отланиб, инсониятни фашизм вабосидан сақлаб қолиш учун ўлимни ҳам писанд қилмай курашнинг алпомиш сифат паҳлавон ўғлонлари, чинакам гвардиячиларидир. Халқимиз ўзи тарбият қилиб вояга етказган, шонли Коммунистик партиянинг улуғ ишига содиқ ўғлонлари билан Ғалаба айёмининг шу йигирма йиллиги кунида яна бир карра фахрланади. Фотомухбиримиз И. ГЛАУБЕРЗОН Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, жанг қаҳрамонларидан катта бир группасини кеча Тошкентдаги Санъат саройи ёнида суратга олган.

Озодлик байрами

ПРАГА, 8 май. ТАСС мухбири **И. Масленников** хабар беради:

Бугун Прага Кремлининг Испан залида Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Тантанали мажлисда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси миллий фронт Марказий Комитети, Миллат мажлиси ва ҳукуматининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ҳозир бўлдилар. Мажлисда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика президенти А. Новотний, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси Й. Ленарт, Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат мажлисининг раиси Б. Лаштовичка ва Чехословакия Коммунистик партияси ҳамда Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Югославия партия ҳукумат делегациялари, Австрия, Германия, Италия ва Франция Коммунистик партияларининг делегациялари ҳам иштирок этдилар. Чехословакия раҳбарлари ва чет эл делегациялари залга кириб келганларида тўпланганлар уларни давомли гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Б. Лаштовичка мажлисни очди. Оркестр Чехословакия ва Совет Иттифоқи давлат гимнларини ижро этди. Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 20 йиллиги тўғрисида А. Новотний доклад қилди.

Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Антонин Новотний чехословак ватанпарварларининг, Совет Армияси ва дўст Руминя ҳамда Польша армиялари қаҳрамонларининг хотирасини ҳурматлаб эсга олди. А. Новотний коммунистларнинг ва барча ватанпарварларнинг нацист босқинчиларга қарши яширин шароитда олиб борган курашига тўхталиб ўтди ва Совет Иттифоқининг позициясини алоҳида таъкидлади. Совет Иттифоқи 1941 йил июль ойидаёқ ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида Чехословакия билан шартнома тузган эди, 1943 йил декабрь ойида эса иттифоқ бўлиш тўғрисида шартнома тузган эди.

Сўнгра А. Новотний Коммунистик партия раҳбарлигидаги Чехословакия меҳнаткашларининг урушдан кейинги даврда реакцияга қарши муваффақиятли олиб борган кураши ҳақида гапирди. Бу кураш меҳнаткаш халқнинг февраль ойида қозонган ғалабаси билан тугалланди.

Бизда февралдаги ғалаба туфайли, деди А. Новотний, социалистик революциянинг асосий масаласи — «ким-кимни енгади» масаласи сиёсий ҳокимият соҳасида ҳал этилди. Мамлакатнинг ишчилар синфи ҳокимиятни тамомила ўз қўлига олди.

Шундан кейин А. Новотний Коммунистик партиянинг 1949 йилда бўлиб ўтган IX съездида қабул қилинган социализм қурилиши программасига тўхталиб ўтди.

Қудратли саноат базасининг барпо этилганлиги, деб таъкидлади Антонин Новотний, ишчилар синфига Чехословакияда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ғалабаси ва социалистик жамият қуриш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалани — қишлоқ хўжалигида асосий социалистик ислоҳотларни амалга ошириш масалаларини қисқа вақт ичида ҳал этиш учун имконият яратиб берди.

1960 йилда, деди Новотний, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёни шу даражага етдики, бунинг натижасида социалистик сектор устун бўлиб қолди. Бир-бири билан дўст икки синфнинг — ишчилар билан кооперативлаштирилган деҳқонларнинг ва улар билан боғланган интеллигенциянинг социалистик жамияти, мамлакатимизда яшовчи социалистик халқлар — чех ва словаклар, майда миллатларнинг жамияти вужудга келди.

Президент ўтган 20 йил мобайнида чехословак жамиятининг тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган учта асосий сиёсий моментни кўрсатиб ўтди. Бу моментларнинг бири шундан иборатки, герман фашизми емирилиши ва Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилинганлиги натижасида миллий ва демократик революциянинг ғалабаси учун ҳамда чехословак жамиятининг келгусида социалистик негизда ривожланиш асосларини вужудга келтириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган заминлар яратилди.

Иккинчи асосий сиёсий момент шу эдики, ишчилар синфи ва Чехословакиядаги барча прогрессив кучлар 1948 йил февраль ойида реакцион кучлар устидан ғалаба қилди. 1960 йил учинчи муҳим сиёсий боскич бўлди, нуқтаи назардан, давлат социалистик қишлоқ хўжалигида ҳам узил-кесил ғалаба қилди. Бунинг натижасида янги социалистик конституцияни қабул қилиш ва социалистик жамиятни янада ривожлантириш йўлини очиб бериш учун шарт-шароит вужудга келтирилди.

Президент Новотний Чехословакия Социалистик Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида тинч-тотув яшаш принципларига амал қилади, деди. У айтдики, Чехословакия мустамлакачилар зулмидан озод бўлиш учун курашаётган мамлакатларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди. Биз, деди у, мустамлакачиликка қарши олиб борилаётган ана шу курашни жаҳондаги революцион процессининг ажралмас қисми деб ҳисоблаймиз ва социалистик мамлакатларни ривожлантириш манфаатлари билан янгидан вужудга келаётган мустақил давлатларнинг ривожланиш манфаатлари муштарак эканлигига қаттиқ ишонамиз.

Президент таъкидлаб айтдики, Чехословакия социалистик ҳамдўстлик аъзоларининг бириди ва у дўстона иттифоқ негизида социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилаверади. Совет Иттифоқи халқлари билан бизни қадимдан буён боғлаб келаётган дўстлик илдизлари, — деди у, озодликка чиқишимиз натижасида янада кўпроқ мустаҳкамланди ва халқларимиз билан совет халқлари ўртасида чинакам қардошларча ва ўртоқларча ўзаро муносабатлар вужудга келди. Совет Иттифоқи тинчликни таъминлаш ва социализмни мудофаа қилиш соҳасида қандай катта аҳамиятга эга эканлигини тушунамиз. Нотиқ Совет Иттифоқининг Чехословакияга нисбатан ўтказиб келаётган дўстлик сиёсатига юксак баҳо берди. Нотиқнинг фикрича, бу сиёсат бугун чехословак жамиятини ҳамиша юксалтириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ва ҳамкорлик кенгайиб бораётганлигидан мамнун эканлигини билдирди.

А. Новотний Чехословакия Вьетнам халқини қатъиян қўллаб-қувватлаётир ва унинг адолатли курашига мадад беради, деб таъкидлади.

Доминикана Республикасига тушириладиган ва бу қуролли кучларнинг реакцион генералларга бераётган ёрдами, деб сўзини давом эттирди президент, Қўшма Штатларнинг ҳозирги кунда бутун дунёда контрреволюцион роль ўйнаётганлигини яққол кўрсатди.

А. Новотний Европадаги аҳволга тўхталиб бундай деди: Ҳозирги кунда реваншчиликни очиқдан-очиқ тарғиб этиш Германия Федератив Республикаси ҳукумати сиёсатининг бир қисми бўлиб қолди. Бу факт ва шу билан бирга Ғарб Ҳукуматининг ядро қуролини олишга интилаётганлиги, деб уқтириб ўтди Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти. Ғарбий Германия милитаристлари яна қандай йўлдан боришни хоҳлаётганликларини кўрсатиб беради.

Президент Новотний халқаро коммунистик ҳаракат бирлигининг аҳамиятини таъкидлади ва Чехословакия Коммунистик партияси халқаро коммунистик кучларнинг жипслиги учун ҳамиша курашиб келди, деди.

Биз, деди у, барча коммунистик ва ишчи партиялар биргаланиб ҳаракат қилиши зарур деган талаб ҳозирги кунниг сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган талаби, деган фикрда турибмиз. Барча коммунистик партияларнинг ўз интернационал бурчига амал қилиб, империализмга, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши, монополистик капитал ҳукмронлигига қарши биргаликда кураш олиб бориш учун, тинчлик йўлида кураш олиб бориш учун жипслашишлари ҳозир ҳар қачонгидан кўпроқ зарур, деди президент.

А. Новотний нутқининг охирида бундай деди: Чехословакия Коммунистик партияси аввалдагидек бундан буён ҳам ҳамиша марксизм-ленинизм принципларига ва ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлиб қолади ва бу бурчни бажариш учун ўтган йиллардагидек бундан буён бутун куч-ғайратини сарф қилади.

Ўртоқ Новотний доклади гулдурос қарсаклар ва «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Совет ҳукумати, дейди докладчи, иккинчи жаҳон урушининг сабоқларидан зарур хулосаларни чиқариб олдилар. Социалистик Ватаннинг озодлиги учун, келгусидаги авлодларнинг ҳаёти ва бахти учун жонини фидо қилган кишиларнинг хотирасини ҳамиша ҳурматлаб эсга олувчи партия тинчлик ва интернационализм байроғини баланд кўтариб бормоқда, Ватанимизнинг қудратини тинмай мустаҳкамламоқда, барча демократик, тинчликсевар кучларнинг бирлиги учун курашмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз тинч меҳнат билан банд. Шу билан бирга, совет кишилари ҳушёрликни асло бўшаштирмайдилар, империалистик агрессорларнинг ҳар қадамини зийраклик билан кузатиб турибдилар. Совет кишилари Ғалаба кунини байрам қилганларида Совет давлати эндиликда энг қудратли ва ҳарбий жиҳатдан энг яхши тайёргарлик кўрган қучдир, деб фахр билан айтадилар. Империалист агрессорларнинг бирортаси ҳам, агрессорларнинг ҳар қандай коалицияси ҳам бу кучга бардош бера олмайди.

Тинчлик, халқлар озодлиги ва бахти таянчи бўлган улуғ Ватанимиз шаънига, социализм ғалабаларининг содиқ посбони — шавкатли Совет Қуролли Кучлари шарафига, коммунизм қураётган совет халқи шарафига, буюк ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — шонли Коммунистик партия шарафига табрик хитоблари янграйди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номига давомли қарсаклар остида табриконма қабул қилинади.

Йиғилиш тамом бўлди. Оркестр Ўзбекистон ССР давлат гимнини ижро этади.

* * *

Тантанали йиғилиш тамом бўлганидан кейин катта байрам концерти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

ШОН-ШУҲРАТ АЙЁМИ

Тошкентда Ғалаба кунига бағишланган тантанали йиғилиш

Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонган миллионларча совет кишиларининг мислсиз зафарлари халқ хотирасида абадий сақланиб қолади. Мамлакатимиз шу ғалабанинг йигирма йиллигини кенг ва шодиёна нишонламоқда.

8 майда Тошкентдаги Санъат саройида шаҳар меҳнаткашларининг Совет Армияси вакиллари билан бирга шу шонли кунга бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Уруш ветеранлари ва мамлакат ичарисида ғалабага замин тайёрлаган кишилар, уруш йиллари қаҳрамонларининг шонли традицияларини кўпайтираётган ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари Санъат саройи залига тўпланишди. Улардан кўпининг кўксида оғир уруш йилларидаги қаҳрамонлик зафарлари ва фидокорона меҳнатлари учун берилган орден ҳамда медаллар порлаб турибди. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар байрамнинг фахрий қатнашчилари — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларини зўр самимият билан кутиб олдилар.

Президиум столи ёнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаховов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ш. Р. Рашидов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат И. М. Нажесткин, Совет Армиясининг генераллари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари ўтиришибди.

Йиғилишни Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, армия генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. И. Федюнинский очади. Совет Иттифоқи давлат гимнининг садолари янграйди.

КПСС ленинчи Марказий Комитети Президиуми баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Совет халқининг буюк ғалабаси тўғрисида доклад қилмоқ учун КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилди.

Докладчининг фашистлар билан бўлган жангда Октябрь революциясининг буюк ғалабаларини қатиқ туриб ҳимоя қилган совет халқининг мислсиз қаҳрамонлиги тўғрисидаги сўзларини бу ерга тўпланган кишилар қарсаклар билан кутиб олдилар. Йиғилиш қатнашчилари ўз ҳаётларини халқ бахт-саодати учун бағишлаган Ватанимиз ўғил ва қизларининг хотирасини ўринларидан туриб, бир минут сукут қилиш билан эсга олдилар.

Докладчи гитлерчилар Германияси тор-мор қилинишининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти тўғрисида гапиради ва Улуғ Ватан урушининг айрим босқичларига батафсил тўхталиб ўтади. Ўртоқ Рашидов қуйидагиларни таъкидлайди: Социализм иқтисодий ва ташкилий имкониятлари, жамиятимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, СССР халқларининг дўстлиги, уларнинг Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашганлиги совет халқининг фашист ғалалар устидан ғалаба қозонишини таъминлаган асосий омиллардир. Партиянинг раҳбарлиги барча ғалабаларимизнинг гаровидир. Партия бу урушда совет халқининг улуғ йўлбошчиси, ташкилотчиси ва саркардаси бўлди.

Ана шу даҳшатли йилларда Ўзбекистон фронтга бир миллионга яқин кишини юборди. Барча совет жангчилари каби ўзбек жангчилари ҳам халқнинг муқаддас наказини шараф билан бажардилар, душманга қарши зўр мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик билан жанг қилдилар. Улар ўз биродарлари руслар, украинлар, белоруслар билан, Ватанимиздаги барча халқларнинг вакиллари билан бир ёқадан бош чиқариб, барча совет кишилари учун муштарак ишни — кўп миллатли улуғ Совет давлатини мардона ҳимоя қилдилар, Москва ёнида, Сталинград остоналарида ва улуғ Ленин шаҳри остоналарида, Кавказда, Курск ёнида ва Қримда, хуллас Ватан урушининг ҳамма фронтларида душманни тор-мор келтирдилар. Ўзбекистонликлардан 120 минг киши ана шу оғир йилларда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Ўзбекистонлик жангчилардан 264 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак номни олишга сазовор бўлди.

Совет кишилари мамлакат ичарисида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, фашизм устидан ғалаба қозонишга замин тайёрладилар. Уруш йилларида 90 дан кўп корхона Ўзбекистонга кўчириб жойлаштирилди. Республикамиз мамлакатнинг ғарбий областларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин кишини, шу жумладан неча ўн мингдаб болаларни меҳр-муҳаббат билан қабул қилди.

Бутун саноатни ҳарбий изга солиб, қайта қуриш соҳасида кўп иш қилинди. Ўзбекистон қуролярог, ўқ-дори, анжом ва кийимкечак ортидан эшелонларни фронтга тўхтовсиз юбориб турди. Колхозчи деҳқонлар ишчилар синфи билан бир жон-бир тан бўлиб ўзларининг ватанпарвардик бурчларини ado қилдилар. Улар мамлакатга пахта, дон, пилда, гўшт, сут, сабзавот, полиз экинлари, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тобора кўп миқдорда етказиб бердилар. Республика интеллигенцияси фашизм устидан ғалаба қозониш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Докладчи совет халқининг улуғвор руҳи, унинг партия теварагига маҳкам жипслашганлиги, коммунизм идеалларига чексиз садоқати мамлакатимизнинг уруш жароҳатларини тезликда даволаб, сўнгра экономика ва маданиятни мисли кўрилмаган юксакликка кўтара олганлигини кўп мисоллар билан кўрсатиб ўтади. Совет Ўзбекистони ҳам урушдан кейинги даврда саноатни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. 1964 йилда республика саноатининг ялпи маҳсулоти ҳажми 1940 йилдагига нисбатан 5,8 баравар ортди. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари олга қараб анча катта қадам қўйди. Пахта етиштириш 1940 йилдагига нисбатан 2,6 баравар кўпайди. Тинч қурилиш йилларида республикада маданият ва фанни тараққий эттиришда катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Урушдан кейин ўтган йигирма йил ичида, деб таъкидлайди Ш. Р. Рашидов, бизнинг иқтисодий ва давлат тузумимиз янада кўпроқ мустаҳкамланди ва янада ривожланди. Ишчилар, деҳқонлар, интеллигенциянинг бирлиги, Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги мустаҳкамланди. Коммунистик жамият қурмоқ учун Коммунистик партия раҳбарлигида халқ меҳнати билан моддий, сиёсий ва идеологик заминлар яратиб берилди. Бу тарихий вазифа партия XXII съездида қабул қилинган КПСС Программасида таърифлаб берилди. Турмуш партиянинг сиёсий йўлини, унинг тўғри сиёсий шиорларини ўз вақтида топа билиб, илгари суриш маҳоратини, оммaнинг тажрибасини назарий жиҳатдан умумлаштириш, йўл қўйилган хатоларни кўра билиш ва уларни ўз вақтида тузатиш маҳоратини ҳар томонлама синовдан ўтказди. Партия ана шу оғир синовга шараф билан бардош берди. КПСС Марказий Комитети октябрь, ноябрь ва март Пленумларининг қарорлари буни исбот қилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Совет ҳукумати, дейди докладчи, иккинчи жаҳон урушининг сабоқларидан зарур хулосаларни чиқариб олдилар. Социалистик Ватаннинг озодлиги учун, келгусидаги авлодларнинг ҳаёти ва бахти учун жонини фидо қилган кишиларнинг хотирасини ҳамиша ҳурматлаб эсга олувчи партия тинчлик ва интернационализм байроғини баланд кўтариб бормоқда, Ватанимизнинг қудратини тинмай мустаҳкамламоқда, барча демократик, тинчликсевар кучларнинг бирлиги учун курашмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз тинч меҳнат билан банд. Шу билан бирга, совет кишилари ҳушёрликни асло бўшаштирмайдилар, империалистик агрессорларнинг ҳар қадамини зийраклик билан кузатиб турибдилар. Совет кишилари Ғалаба кунини байрам қилганларида Совет давлати эндиликда энг қудратли ва ҳарбий жиҳатдан энг яхши тайёргарлик кўрган қучдир, деб фахр билан айтадилар. Империалист агрессорларнинг бирортаси ҳам, агрессорларнинг ҳар қандай коалицияси ҳам бу кучга бардош бера олмайди.

Тинчлик, халқлар озодлиги ва бахти таянчи бўлган улуғ Ватанимиз шаънига, социализм ғалабаларининг содиқ посбони — шавкатли Совет Қуролли Кучлари шарафига, коммунизм қураётган совет халқи шарафига, буюк ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — шонли Коммунистик партия шарафига табрик хитоблари янграйди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номига давомли қарсаклар остида табриконма қабул қилинади.

Йиғилиш тамом бўлди. Оркестр Ўзбекистон ССР давлат гимнини ижро этади.

* * *

Тантанали йиғилиш тамом бўлганидан кейин катта байрам концерти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

ПАБЛО НЕРУДА—ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Таниқли Чили шоири ва публицисти, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати Пабло Неруда бир неча кун давомида Ўзбекистон меҳмони бўлди ва республика ҳаёти билан танишди.

Пабло Неруда Тошкентга келгандан кейин тез орада уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова қабул қилди.

Чили шоири республика Ёзувчилар союзида ўзбек ҳамкасблари билан учраши ва бу ерда илиқ дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Пабло Неруда республика бўйлаб саёҳат қилди. Совет кишиларининг қўли билан қиёфасини бутунлай ўзгартирган Мирзачўл, у ердаги ажойиб чўлқувардар унда айниқса зўр таассурот қолдирди.

Чили шоири Самарқанд ва Бухоронинг улуғвор тарихий ёдгорликларини кўздан кечирди, Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида деярли бутун кун давомида бўлди. Колхоз раиси — уч марта Социалистин Меҳнат Қаҳрамони Х. Турсунқулов меҳмонни иқи тармоқли хўжалик билан таништирди, қишлоқ меҳнаткашлари эришган ютуқлар тўғрисида, уларнинг келгусидаги режалари тўғрисида сўзлаб берди.

7 майда Пабло Неруданн КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди.

Эртасига Пабло Неруда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).





Тинчликнинг ишончли гарантияси... Р. Рязанов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Суратда: Тошкентдаги Ленин комсомоли маданият ва истироҳат боғида совет жангчиси шарафига ўрнатилган ҳайкал.

А. Абалян фотоси.

ДОВЮРАК ШИФОКОРЛАР

Рейхстагга ғалаба байроғини қадашда эл қатори совет медицина ходимларининг ҳам хизмати катта бўлди. Урушнинг машаққатли йилларида улар бир йўла икки жанговар вазифани бажаришди. Бир қўлда пиштар билан совет жангчиси дардига даво иласа, иккинчи қўлда қурол билан ёвуз душманга ажал уруғини ёндирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқининг медицина беҳисоб жангчилар ҳаётини сақлаб қолдилар. Урушда яралланган солдат ва офицерларнинг 72 процентдан ортиғи, бетоб бўлиб қолганларнинг 90 процентдан зиёди қисмларга қайтарилди. 36 жангчи медик ажойиб қаҳрамонлик курсатганлиги учун энг юксак — Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлди. 112000 дан ортиқ ҳарбий медицина ходимлари Совет Иттифоқининг орденлари билан, жумладан 285 киши Ленин ордени, 3550 киши Қизил Байроқ ордени, 86560 киши Қизил Юлдуз. Шуҳрат орденлари билан мукофотланди.

Совет медиклари доим бўлиб қолганда она Ватан учун жонини ҳам аямадилар. Санинструктор Валерия Осиповна Гнаровская номини у билан жанг қилган дўстлари ҳурмат билан эсга олишади. Бу жасур ва довюрак қиз Долина шаҳри учун бўлган шиддатли жангда душман ўқи тинмай ёғилиб турганига қармай 47 жангчи ва офицерни елкасида кўтариб жангдан олиб чиқди. У 1943 йилнинг 23 сентябрида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. В. Гнаровская госпиталда ярадорлар билан эвакуацияни кутиб турарди. Душманнинг «Тигр» танки госпиталга ёриб кирди. Кутиб туришнинг вақти эмас. Валерия Осиповна белига граната боғлаб душман танки томон тик борди ва ўзини танк остига ташлади. Фашист танкининг қули қўқа совурилди. Совет аёлининг бу қаҳрамонлиги тилларда достон бўлди. Партия ва ҳукуматимиз жангчи медикнинг бу жасоратини муносиб тақдирлади. В. Гнаровская вафотидан кейин унга Совет Иттифоқи қаҳрамони деган унвон берилди.

Уруш тугаганига 20 йил бўлди. Аммо нечанеча кишилар умрини сўлдирди, гўлдай шаҳар ва қишлоқларимизни вайронга айлантириб кетди у. Урушни қайғу, ўкинч билан тилга оламиз, ўт билан ўйнашмоқчи бўлганларни огоҳлантириб, эсингни йиғ, ўтмишдаги шармандаликни унутма дейміз.

ТошМИнинг 2-хирургиясида доцент Муқаддам Ашрапова меҳнат қиляпти. Унинг шифокор қўлидан неча-неча бемор дардига даво топди. Муқаддам ҳам урушда бўлган. Қанчаданқанча жангчидар ҳаётини ўлим чангалидан сақлаб қолган. Старшин лейтенант, орденли бу аёл ҳозирда тинч меҳнат фронтида қаҳрамонлик кўрсаталяпти.

— Яқинда бир беморни операция қилдик, — деди Муқаддам Ашрапова, — ишонасизми, ўпкадан ўқ ва шиғил парчасини олиб ташладик. Фамилиясини ҳозир эслай олмаяпман. Бақувват экан, асаби ҳам кучли экан. Ўша кунги операциядан кейин урушнинг даҳшатли кундари, ғоҳо шамда, ғоҳо ҳира электр нурида туплари қилган операциялар, ташқаридаги отишмалар, порт-лашлар бирма-бир кўз олдимдан ўта бошлади. Башараси қурсин у кунларнинг, қўйинг эсламанг.

Профессорлар Т. Е. Қосимов, Л. Д. Василенко, А. М. Геллер, доцентлар Н. К. Аҳмедов, К. Б. Болтаев, С. А. Долимов ва бошқалар урушнинг даҳшатли кунларида изгирин совуқларда, аланга ичида бир қўлига тиг, бир қўлига қурол олиб ёвуз душманга қарши мардларча курашдилар. Уларнинг мақсади, нияти бир—манфур душманни тезроқ тор-мор келтириш, ғалаба кунини яқинлаштириш эди. Шунинг учун ҳам халқ тинчлиги, Ватан озодлиги учун жонларини аямай қаҳрамонларча курашдилар.

А. КИМ.

ҚАНОТЛИ РАЗВЕДКАЧИ

Брянск шаҳри партизанлари учувчиларга хабар беришди: Орёлга томон немис танк колонналари йўлга чиқибди. Улар жуда кўп, сан-саноғи йўқ. Учувчилар дарҳол ўринларини эгаллашди. 150 километр масофага учиб бориб, танклари суратга тушириб қайтишни мўлжаллашган эди. Лекин мўлжалга тўрт-беш километр қолганда танкларни йўқотиб қўйишди. Танклар қаёққа ғойиб бўлди? Бу муаммо ҳаммани ҳайратга солди.

— Учувчи Ҳайдаров ва штурман Цибизов, танклари ялашин сизларга топшираман, — буйруқ берди эскадрилья командири.

Маҳмуд Ҳайдаров младший лейтенант В. Цибизов билан «ИЛ-2» самолётига ўтирди. 1100 метр баландликка кўтарилгач, танклар фронт линияси томон бурилиши мумкин бўлган йўлларни фотоплёнкага туширишди. Плёнкада танк гусеницаларининг излари, қиқобланган чуқурликлар аниқ кўринди. Демак танклар шу атрофда писиб ётибди. Иккинчи бор учиш уюштирилди. Маҳмуд бу гал фронтнинг орқа томонидан ўрмон узра учиб бориб, душман танкларини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди. Немислар, русларни алдадик, деган ниятда ниқобланган танклар устини энди очиб ёқилғи қуйишаётган экан. Кўкда самолёт кўриниши билан уларнинг эс-ҳуши чиқиб кетди. Жон ҳолатда танкларни ташлаб, ўзларини чуқурга отди. Маҳмуд оти тўп танкни ўз кўзи билан кўрди, уларни санашга ҳам улгурди.

Шу куниёқ тунда старшин лейтенант Н. Демидов бошлиқ бомбардимончилар ишга киришишди. Ўша куни 50 та танк ер билан яксон қилинди. Разведкачи Маҳмуд Ҳайдаров сезгирлиги туфайли бу операция муваффақиятли якунланди. Жасоратли кишилар қаторида М. Ҳайдаровга ҳам «I даражали Ватан уруши» ордени тақдим этилди. Кейинчалик Орлов — Курск шаҳрини немис-фашистларидан озод қилишда ҳам Маҳмуд Ҳайдаров суратга олган йўлдан борилди.

...1-Чкалов ҳарбий ўқув юртини эндигина тамомлаган Маҳмуд 1-авиация армиясига жўнатилди. Дастлабки кунларданоқ у ўзининг довюраклиги ва абжирлигини кўрсатди. Ёш учувчи бир неча бор ҳаво жангларида қатнашди. Моҳирлик билан душман самолётларини ўққа тутди. Сўнг разведка ишлари билан шуғуллана бошлади. 50 га яқин ҳаво разведкасига у душманнинг орқа томонидан учиб борди. Ҳарбий истеҳкомлар, техника ва қурол-аслаҳа резервларини нишонга олиб қайтди. Муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлари эвазига Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Маҳмуд Ҳайдаров бир воқеани ҳали-ҳали ёдида сақлайди. Бу Польша территориясида рўй берган эди. Қўшинларимиз 1943 йилнинг кузида кенг фронт бўйлаб катта ҳужумга тайёрланаётган бир палла эди. Варшава автострадаси ўтган Десна дарёси кўприги душман томонидан қаттиқ туриб қўриқланаяпти. Немисларнинг зенит батареялари совет самолётларини ҳалокатга учратиб, ўзларини ишончли ҳимоя қилиб, ҳеч кимга ишонмаяпти. Кўчаларга ҳам зенит батареялари терилиб ташланган. Маҳмуд душманнинг орқа томонидан — немис самолётлари келадиган ёқдан учиб боришга қарор қилди. Кўприкка етишига икки-уч километр қолгач, у самолётни дарё юзига бурди ва сувдан 1,5-2 метр баландликда учиб бораверди. Немислар чувиллаб қолишди. Лекин Маҳмуд бошқараётган самолёт аллақачон нуқталарни аниқлаб снарядлар «тўри»дан чиқиб кетган эди. Келтирилган маълумот асосида ҳужумга ўтилди. Душман гарнизонлари шу ерда тор-мор келтирилди.

Маҳмуд Ҳайдаров шу учишда Берлингача етиб борди. Рейхстаг устига Қизил Байроқ қадалиб уруш тугагач, граждан ҳаво флотида хизмат қила бошлади. Иш билан бирга Тошкент политехника институтини ҳам муваффақиятли тамомлади. У ҳозир «Водоканал» қурилиш бошқармасида бош инженер бўлиб ишламоқда. Мана оддий совет кишисининг босиб ўтган ҳаёт йўлларн. Унга одамнинг ҳаваси келади.

У. ЗОКИРОВ.

БИР ҚЎЛДА ҚАЛАМ, БИР ҚЎЛДА ҚУРОЛ

Улуғ Ватан уруши фронтларида бир қўлда қурол, бир қўлда қалам билан гитлерчи босқинчиларга қарши курашган ёзувчилар ва журналистларнинг номларини халқимиз зўр ҳурмат билан тилга олади. Бошқа қардош халқлар ижодкорлари қаторида республикамиз қалам соҳиблари ҳам фронт ҳаётини со-вет кишиларининг қаҳрамонликларини, фашист газаларини яксон этиб, азиз она еримизга озодлик баҳорини олиб келганликларини газеталарда, мунтазам ёритиб бордилар.

Уруш йилларида фронтларда ўзбек тилида газеталар чиқарилди. Бу газеталар редакцияларида ўзбек ёзувчилари ва журналистлари ишладилар. Улар олдинги марраларда, жанг майдонларида бўлиб, душманга қарши жанг қилаётган, олдинга силжиб, улуғ ғалабани яқинлаштираётган совет ҳарбийларининг ҳаёти ҳақида очерклар, мақола ва хабарлар ёздилар.

Икки истеъдодли адиб Назир Сафаров билан Зиннат Фатҳуллин ҳам Улуғ Ватан урушида қатнашган жанговар қалам соҳиблари эдилар. Капитан Назир Сафаров 3-Украина фронтида чиқадиган «Совет жангчиси» газетасида, капитан Зиннат Фатҳуллин эса бошқа фронт газетасида ҳарбий мухбир ишлади. Улар сўнгги жанг майдонида, 1945 йил май ойида Венада тасодифан учрашиб қолдилар.

Бу икки фронтчи дўст суратини газеталарга босиб, уларни Улуғ Ғалабанинг 20 йиллиги билан табриклаймиз, ўзларига сиҳат-саломатлик ва ижодий ишларига янги муваффақиятлар истаймиз.

ЯРАЛАНГАН СУРАТ

(СОЛДАТ ДАФТАРИДАН)

Хизматга кетаримда
букилган бувам шўрлик
Юзу-кўзимдан ўпиб
ушбу суратни тутди.
бир четида томчи қон,
Сиймоси кулиб турган
солдат ҳаёлим тортди.
— Жангга кетиб қайтмаган
отангдан бу хотира.

Бурчагини ўқ йиртиб
юзига томган қони.
Ғалаба кунларида
сўнгги жангга кирибди
Ва қайтмабди: у экан
олдингилар қалқони.

Ул тенги йўқ мард эди,
сен ҳам отангга тортгин.

Улгайтдим эски ярам
ўрнига малҳамим, деб.
Мени қайта яшартар
болалик товушларинг,
Кун сайин қувонаман
қайтди у ҳамдамим, деб.
У кунларнинг товушин
асло солмасин, ўғлим,
Йигирма йил ўксидим
суратига термулиб.
Сен жанг эмас, гуллаган
боғ оралаб қайтасан.
Бахтли кунлар эгаси
ойдай юзларинг кулиб...

Нуриддин МАДАМИНОВ,
старший матрос, Қизил Байроқли Болтиқ денгизи флоти.

ОНАЛАР ОРЗУСИ

Она учун фарзанд ҳамиша ёш. Бўйи бўйингдан ошиб кетса ҳам уни эркалайсан, севиб бағрингга босасан. Нурғ-дийдангнинг қувончи, сенинг қувончинг — бахтинг, шундай эмасми!

Мен ҳам кўп боланинг онасиман. Аммо, афсуски, икки катта ўғлим ҳозир йўқ. Мен улардан бундан 23 йил бурун жудо бўлдим. Муҳиши уруш қурбони бўлди улар.

Уруш... Номи ўчсин унинг! Кўплаб гул йигитларнинг ёстиғини қуритган, ўз жигарбўшасини «эсон бориб, омон қайт» деб оқ йўл тилаб фронтга жўнатган талайгина оналар бағрини доғлаган шу уруш эмасми! Минг лаънат босқинчи фашистларга!

Уруш тугади. Фаровон турмушимиз яна қайта изга тушди. Биз ҳам пири-бадавлат оналардамиз. Икки қизим ва бир ўғлим бор. Улар ўқияпти. Ҳадемай улар ҳам мустақил меҳнат қучоғига отланишади. Бундан беҳад шодман.

Бундан кейин сира урушни кўрмайлик. Фарзандларимиз эл-юрт хизматида бўлсин. Тўқ-фаровон ҳаёт кечираверайлик. Бу миллионлаб оналарнинг қалб нидоси!

Т. ЮСУПОВА,
кўп болалик она.

УБАЙ ЮРАГИ

ОЧЕРК

Болтиқдан илиқ шамол эсарди. Қуёш шуъласи март шудрингида жилва қилади. Ҳаво кўкламги зангори тусга кирган... Лекин Убай буларнинг ҳеч қайсисини энди кўролмасди. У кўкрагидан ўқ еб, ерни қипқизил қочга бўяб момиқ қор устида ётарди.

Бу воқеа 1945 йилда, Кенигсбергнинг шимоли-ғарбидаги Шмау деган кичкинагина шаҳарча яқинида рўй берган эди. Ушанда урушнинг тамом бўлишига атиги олти ҳафта қолган эди. Автоматчилар командири лейтенант Убай Мусаев ўз взводига бош бўлиб душман позициясини штурм қиларди. Душман ҳар қарич ер учун қутириб курашарди. Негаки, у орқага чекина олмасди — ортда ўлим—муҳофаза отрядининг эсэсчилари турарди. Лекин автоматчиларимиз уларни борган сари қаттиқ исканжага олишарди. Бунга жавобан душман томони ўқ жалосини ёғдирарди. Мусаев жасурлик билан ўрнидан қўзғалиб, взводни олға бошлади. Фашистларнинг траншеялари жуда яқинлашиб қолган, гитлерчиларнинг алам ва қўрқувдан қути учган башаралари, шундоққина рўпарадан кўриниб турарди...

— Йигитлар, менинг кетимдан олға! — қичқиради лейтенант. Бироқ шу дақиқада унинг кўкрагига қайноқ қўрғошин келиб ёпишди. Кўкрагидан ўқ тешиб ўтган партбилетни ювиб, қон оқарди.

2876390 номерли партбилет. Унга ёпиштирилган фотосуратдан сал жилмайган, содда, орзу-умидларга тўла, навқирон чеҳра ҳаёт сари боқарди. Москвадаги Совет Армияси музейида сақланаётган бу ёдгорлик олдида кишилар ҳайёлга чўмиб, бир нафас тўхтаб қолдилар. Бу Убай Мусаев ким экан ўзи, у қандай яшаб курашганикин, кимни севган ва нималар ҳақида орзу қилган?

Убай Ўзбекистон тупроғида «оқ олтин» ўстирарди. Ўғли Ҳаким ва қизчаси Қумрини илиқ ота меҳри билан тарбиялаб, яхши ниятлар билан гул экарди, боғ яратарди. Инсон қўли билан гуллаётган ерда бахт бўлишини орзу қиларди. У ана шу бахт учун дайди ўқ қўлидан автоматини туширишга мажбур этмагунича астойдил жанг қилди.

Қондан қизил рангга бўялган қор устидаги беҳушлик қанча давом этганини Мусаев билмайди. Шмау атрофидаги уйларнинг бирига қандай келиб қолганини ҳам эслаёлмайди. Гимнастеркаси билан кўкраги оралиғида қон намиқтирган катта муштдек пахта турганини пайпаслаб билди.

Убай қизи Қумри совға қилган четига қизил ипакдан тўр тўқилган дастрўмолга партия билети ва болаларга мактуб ёзилган дафтарчани ўради. Артиллерия тягачининг шофери ҳаёт билан видолашаётган лейтенантни медсанбатга олиб келганида санитарлар офицер гимнастеркасининг кўкраги чўнтагидан ана шу дастрўмолни топиб олишди.

Урушда кўпгина мўъжизаларни кўриб кўзи пишиб қолган ҳарбий хирург Мусаевнинг юраги ҳали-ҳали эслайман. Эслайманки, босқинчи фашистларга нисбатан қаҳр-ғазабим ортади.

...Бизнинг 169-ўқчи дивизияси Волганинг ўнг қирғоғига омон-эсон ўтиб олди. Дивизиямиз Красноармейск шаҳри этагидаги Оққум тепаликларида жойлашди. Бу баланд тепаликдан ёнатроф яққол кўзга ташланиб турарди. Сталинградда даҳшатли жанг кетарди. Шаҳар бамисоли ўт ичида қолгандек эди. Фашистлар ҳаммаёқдан ўққа тутишарди. Лекин бизникилар ҳам бўш келишмади. Ўқчи дивизиямиз полк билан ғарбга қараб юрди. Жуда кўп фашистлар қириб ташланди. Бу жангларда совет жангчилари ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатишди.

Бўлиб ўтган учрашувларда ўқувчиларга яна бир қанча жанг эпизодларини ҳикоя қилиб бердим. Улар жимгина тинглаб ўтиришарди. Урушнинг даҳшатларини чуқур ҳис қилаётганликларини уларнинг бу ҳолатидан билиб олиш қийин эмасди. Ҳа, инсоният бошига қирғин солган урушни авлодлар унутмайди.

Уруш тугагач, яна тинч жўшқин меҳнат қучоғига қайтдим. Бу орада қанча-қанча ёш талабалар мактабларни битириб чиқди. Уларга таълим-тарбия беришда мен ҳам озмиқ-кўпми ўз улушимни қўшиб келаётганлигим билан бахтиёрман.

Тинчлик—тараққиёт, фаровонлик демакдир. Еш авлодлар эркин ва бахтиёр ўсиб-улғаверсинлар. Халқ маорифи равнақ топсин. Ер юзида ҳамиша тинчлик барқарор бўлсин!

Р. ФАХРИДДИНОВ,
педагог.



Суратларда: 1. Ўқ тешиб ўтган партия билети. 2. Убай Мусаев ўз қишлоғидаги мактаб ўқувчиларига жанг хотираларини сўзлаб бермоқда.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

УРУШНИНГ ЮЗИ ҚУРСИН

Буюк ғалабанинг 20 йиллиги олдидан пионер ва ўқувчилар билан учрашишга тўғри келди. Уларга совет жангчиларининг кўрсатган ажойиб қаҳрамонликлари ҳақида кўрган-билганларимни гапириб бердим.

Ҳаёт-мамот учун олиб борилган оғир жангларни ҳали-ҳали эслайман. Эслайманки, босқинчи фашистларга нисбатан қаҳр-ғазабим ортади.

...Бизнинг 169-ўқчи дивизияси Волганинг ўнг қирғоғига омон-эсон ўтиб олди. Дивизиямиз Красноармейск шаҳри этагидаги Оққум тепаликларида жойлашди. Бу баланд тепаликдан ёнатроф яққол кўзга ташланиб турарди. Сталинградда даҳшатли жанг кетарди. Шаҳар бамисоли ўт ичида қолгандек эди. Фашистлар ҳаммаёқдан ўққа тутишарди. Лекин бизникилар ҳам бўш келишмади. Ўқчи дивизиямиз полк билан ғарбга қараб юрди. Жуда кўп фашистлар қириб ташланди. Бу жангларда совет жангчилари ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатишди.

Бўлиб ўтган учрашувларда ўқувчиларга яна бир қанча жанг эпизодларини ҳикоя қилиб бердим. Улар жимгина тинглаб ўтиришарди. Урушнинг даҳшатларини чуқур ҳис қилаётганликларини уларнинг бу ҳолатидан билиб олиш қийин эмасди. Ҳа, инсоният бошига қирғин солган урушни авлодлар унутмайди.

Уруш тугагач, яна тинч жўшқин меҳнат қучоғига қайтдим. Бу орада қанча-қанча ёш талабалар мактабларни битириб чиқди. Уларга таълим-тарбия беришда мен ҳам озмиқ-кўпми ўз улушимни қўшиб келаётганлигим билан бахтиёрман.

Тинчлик—тараққиёт, фаровонлик демакдир. Еш авлодлар эркин ва бахтиёр ўсиб-улғаверсинлар. Халқ маорифи равнақ топсин. Ер юзида ҳамиша тинчлик барқарор бўлсин!

Р. ФАХРИДДИНОВ,
педагог.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 мэйда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ҒАЛАБА БАЙРАМИ

8.30 — Бугун совет халқининг фашист Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабасининг йигирма йиллиги (В. И. Ленин номли майдондан).

17.00 — Жанговар шуҳрат клуби.

19.00 — Ҳалоқ бўлганлар хотирасига муносиб бўлайлик. «Реквием»дан фрагментлар (Рождественский шеърига Кабалевский музиқаси).

19.45 — Унутилмас саҳифалар (ўзбек тилида эшиттириш ва концерт).

20.45 — Эшиттиришлар программаси.

20.50 — Голубой огонёк.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — қишлик бинода: 9/V да кундуз 12 ва кечқурун 8 да Сарқомат дилбарим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/V кундуз соат 12 да Малиновкада тўй, кеч 8 яримда Гули сиёҳ, 10/V да Ёшлинда берган кўнгил.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 9/V кеч соат 8 да Узбек давлат филармонияси ва эстрада артистларининг Ғалаба кунининг 20 йиллигига бағишланган концерти. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
(ёзги бино)
9 майда

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти Фароғат Раҳматова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Тамара Назарова, Ҳамза Умаров, Бахтиёр Ихтиёров, солистлардан Наима Исоқова, Толибжон Бадинов, Адиба Мирзаева, Марям Каримова, Шерали Пўлатов, Ҳадя Юсупова, Анвар Рустамов, Сотволди Йўлдошев, Гулшод Отабоева ва театрнинг солист ўйинчилари қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 8 ярим да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

9 май кундуз соат 2 ва кеч 8 да

БАЙРАМ концертлари

Концертларда: СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Галия Измайлова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Жамол Низомхўжаев, Клара Юсупова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Эргаш Йўлдошев, Авнер Бараев, Асад Азимов, солистлардан Олия Шайхилисламова, Севилья Ҳайбуллаева, Раиса Хўжасаидова, Раъно Ҳидоятова, Анвар Рустамов, Ҳайрулла Хўжаевлар қатнашади.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 майда

ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ЁПИЛИШИ.

Белорус цирки

АРТИСТЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ.

Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган артист

АНАТОЛИЙ ШАГ АТТРАКЦИОНИ

Томошалар давомида — қизиқчи В. Колобов қатнашади.

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01915. Индекс — 64969. Нашр. № 1756.